

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

16-сон
(360)
2009 йил
20 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

197. «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги ЎРҚ–210-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

198. «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 апрелдаги ПФ–4104-сон Фармони

199. «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ–1096-сон қарори

200. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик маши-

насослиги тармоғини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 апрелдаги ПҚ–830-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 14 апрелдаги ПҚ–1097-сон қарори

201. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 апрелдаги ПҚ–1098-сон қарори

Учинчи бўлим

202. «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлашни яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинган хорижий кредит ва қарз маблағларига ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 апрелдаги 109-сон қарори

203. «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жихозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сон қарори

Бешинчи бўлим

204. «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 30, 2009-7-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939*)

205. «Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги 13/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1940*)

206. «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 24 ноябрдаги 110-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Рес-*

публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941)

207. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 18 мартдаги 2009-20-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942)*

208. «Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 14 апрелдаги 17, 14 Қ/Қ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1943)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 11 апрелдан 17 апрелгача бўлган маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

197 Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи — ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

жабрланувчи — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 17 апрелда эълон қилинган.

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг худудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

иш берувчи — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи — умумий суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

касб касаллиги — ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавfli омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз берганига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

меҳнатда майиб бўлиш — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши;

наф олувчи — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

суғурта ҳодисаси — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

ходим — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс.

4-модда. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурияти

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталаши шарт.

2-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш шартлари ва тартиби

5-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти ва субъектлари

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганда унинг мулкӣ манфаатлари иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объектидир.

Иш берувчи, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи (бундан буён матнда суғурталовчи деб юритилади), аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир.

6-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий шартномадир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта ходисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи билан суғурталовчи ўртасида тузилади. Мазкур шартномани тузиш учун иш берувчининг ёзма шаклдаги аризаси асос бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида кўрсатилиши лозим бўлган шартларнинг тўлиқ эмаслиги учун жавобгарлик суғурталовчи зиммасида бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам бўлган муддатга амалга ошириладиган бўлса, иш берувчининг

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи мазкур фаолиятни амалга оширадиган муддат учун тузилади.

7-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларини тартибга солиш

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг энг юқори даражаларини, суғурта тарифларининг тузилишини ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммасини белгилашда мазкур тарифларнинг суғурталовчи томонидан қўлланилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган суғурта тарифларининг амал қилиш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Суғурта тарифлари даражаларининг ўзгариши иш берувчи томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланиши санасида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофоти миқдори шартноманинг амал қилиш муддати ичида ўзгаришига олиб келмайди.

8-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг базавий ставкаси ва коэффицентлари

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари базавий ставка ва коэффицентлардан иборатдир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифининг базавий ставкаси барча иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягонадир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг коэффицентлари иш берувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Суғурталовчи ушбу Қонунга мувофиқ белгиланганидан фарқ қиладиган базавий ставкани ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг коэффицентларини қўллашга ҳақли эмас.

9-модда. Иш берувчи фаолияти турларининг хавфлилик даражасини белгилаш

Иш берувчи фаолияти турларининг хавфлилик даражаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хавфлилик даражалари таснифига ва фаолият турларини муайян хавфлилик даражасига киритиш тартибига мувофиқ белгиланади.

10-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули қўйидагича белгиланади:

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мазкур шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейин келадиган ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, бу шартноманинг суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартишлар киритилади. Бунда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Агар суғурталовчи иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорида камайтирилади. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш куни ичида қўшимча тўлаши шарт.

11-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурта пулини суғурта тарифига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти бир йўла тўланади.

**3-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта ҳодисаси
юз берганда суғурта товонини тўлаш**

12-модда. Зарарнинг миқдорини аниқлаш тартиби

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишиға ҳақли бўлмаган, меҳнатға қобилиятли шахсларға тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган миқдорда дафн этиш харажатлари;

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалға оширилади.

Энг кам иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилишиға мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бунда зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча тарзда тўланади.

Жабрланувчига ёки наф олувчига суғурта ҳодисаси юз берганлиги муносабати билан етказилган маънавий зарарни компенсация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалға оширилади.

**13-модда. Суғурта товонини олиш учун тақдим этиладиган
ҳужжатлар**

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда, иш берувчи суғурта то-

вонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига муурожаат этади:

иш берувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг кўчирма нусхаси;

суғурта ходисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) кўчирма нусхаси;

касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг ҳулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

14-модда. Суғурта товонини тўлаш тартиби

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони, агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, суғурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан ва ҳар ойлик тусга эга бўлмаган қўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда суғурта товони иш берувчи тақдим этган, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

Агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузиши ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси

бўйича суғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича иш берувчи олган суғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча тўланиши керак.

15-модда. Аннуитетлар шартномаси

Аннуитетлар шартномаси оммавий шартномадир.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, суғурта пули доирасида тегишинча:

жабрланувчига у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарар учун;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган наф олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун суғурта товони тўлаш мажбуриятини олади.

Аннуитетлар шартномаси иш берувчи билан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ўртасида тузилади. Аннуитетлар шартномасини тузиш учун иш берувчининг ёзма шаклдаги аризаси асос бўлади.

Аннуитетлар шартномаси шартлари ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Аннуитетлар шартномасида кўрсатилиши лозим бўлган шартларнинг тўлиқ эмаслиги учун жавобгарлик аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи зиммасида бўлади.

Аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчига меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган муддатга ёки наф олувчи суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўладиган муддатга тузилади.

16-модда. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули ва суғурта мукофоти

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули жабрланувчига ёки наф олувчига қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган етказилган зарар миқдорида белгиланади.

Етказилган зарар миқдорини аниқлашда жабрланувчига унинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва соғлиғи шикастлангунига қадар ҳам, ундан кейин ҳам бўлган бошқа шунга ўхшаш тўловлар ҳисобга олинмайди ва етказилган зарарнинг ўрни қопланиши лозим бўлган миқдори камайтирилишига олиб келмайди (етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди). Жабрланувчи соғлиғи шикастланганидан кейин ола-

диган иш ҳақи (даромад) ҳам етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғуртанинг бутун даври учун бир йўла тўланади.

4-боб. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17-модда. Иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Қонунга мувофиқ иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун суғурталовчини ва аннуитетлар шартномасини тузиш учун аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини танлаш;

суғурталовчидан ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ва (ёки) аннуитетлар шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи:

ўзи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечиктирмай ўзининг фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунга мувофиқ суғурталаши;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса юз берганлиги ўзига аён бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши;

ходимларни иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан мазкур шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи:

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

19-модда. Жабрланувчининг ҳуқуқлари

Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчидан ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

20-модда. Наф олувчининг ҳуқуқлари

Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки суғурталовчига мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан суғурта товонини олиш;

иш берувчидан, суғурталовчидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари тўғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакилларини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

5-боб. Суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари**21-модда. Суғурталовчига ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига қўйиладиган талаблар**

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш-

ни амалга ошириш учун суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи белгиланган тартибда фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияга эга бўлиши керак.

Суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг алоҳида бўлинмаларига эга бўлиши керак, улар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси ёки аннуитетлар шартномасини тузиш, иш берувчиларнинг ва (ёки) жабрланувчиларнинг ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда суғурта товонини тўлаш ваколатига эга бўлиши лозим.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишда рақобатни чеклаш ёки бартараф этиш, айрим суғурталовчиларга ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчиларга бошқаларига нисбатан асоссиз имтиёзлар бериш ёки олиш, иш берувчилар, жабрланувчилар ва наф олувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

22-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта захирасини шакллантириш

Агар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишда мазкур суғурта тури бўйича суғурталовчининг даромадлари ва харажатлари орасидаги фарқ бир йилда ушбу даромадларнинг беш фоизидан ортиқ бўлса, ортиқча сумма кейинги йилларда суғурта товонини тўлаш харажатларини компенсация қилиш учун суғурталовчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта захирасини шакллантиришга йўналтирилади.

23-модда. Суғурталовчини ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштиришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

суғурталовчи ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;

суғурталовчига ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига нисбатан банкротлик таомили қўлланилганда;

суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тугатилганда ёки у бекор қилинганда.

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органининг розилиги билан амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар**24-модда. Низоларни ҳал этиш**

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

25-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

26-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

27-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши тартиби

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради, 17-модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Ушбу Қонун 17-моддасининг иккинчи қисми қоидалари мазкур Қонун кучга кирганидан кейин олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 апрель,
ЎРҚ-210-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

198 Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва кадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдоридида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 апрель,
ПФ-4104-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**199** **Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида:

1. Қайд қилиб ўтилсинки, бутун республика миқёсида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ҳамда тарбияланишини яхшилаш бўйича эришилган катта ижобий силжишлар билан бир қаторда, ишларнинг ушбу муҳим йўналишида жиддий камчиликлар мавжуд ва айрим вилоятлар ҳокимликлари, тиббиёт ва бошқа муассасалар раҳбарлари томонидан унга етарли даражада эътибор берилмаяпти.

2. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича Ҳукумат комиссияси иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

Комиссияга қуйидагилар юклансин:

кўрсатиб ўтилган Дастурдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳар бир вилоят, туман ҳамда аҳоли пунктида амалга ошириш, уларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

мазкур барча ишларни тизимли ва мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб боришда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, тиббиёт муассасалари, ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатувчи тегишли бўлинмалар, аёллар репродуктив саломатлиги марказлари, перинатал ва скрининг марказлари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

тиббиёт ва таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари, оммавий ахборот воситалари томонидан аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантириш, она ва бола сало-

* Илова берилмайди.

матлигини муҳофаза қилиш муаммолари, «Соғлом она-соғлом бола» мақсадли вазифасини амалга ошириш бўйича олиб бориладиган кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш.

3. Ҳукумат комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тегишли тузилмаларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда, энг аввало, узоқ туманларда ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, скрининг марказлари рўйхатини белгиласин ҳамда уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари, зарур реагентлар ва воситалар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин. Ушбу вазифани амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг имтиёзли кредитлари ҳамда грантлари жалб этилиши таъминлансин.

4. Ҳукумат комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) икки ой муддатда:

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими муассасалари (ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, перинатал ва скрининг марказлари, аёллар репродуктив саломатлиги маркази ва бошқалар) фаолиятини чуқур таҳлил қилсин;

ушбу муассасаларга раҳбарлик қилувчи мансабдор шахсларни аттестациядан ўтказсин;

мазкур муассасалар кадрлари таркибини айниқса туғилиш, она ва бола ўлими даражаси юқори бўлган туманларда малакали мутахассислар — акушер-гинекологлар, неонатологлар ва педиатрлар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

тиббийёт ходимларининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакасини тизимли равишда ошириш дастурини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

барча даражалардаги Хотин-қизлар қўмиталарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича профилактика-тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин ҳамда Хотин-қизлар қўмиталари раислари — вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарларининг умумдават аҳамиятига эга бўлган ушбу вазифани ҳал этишдаги ишларини фаоллаштириш ва шахсий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда:

турар жойларда, маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида соғлом оилани шакллантириш муаммолари, «Соғлом она-соғлом бола» мақсадли вазифасини амалга оширишнинг асл моҳиятини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши бўйича олиб борилаётган ишларнинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини аҳолига тушунтириш ва уларнинг онгига етказиш бўйича тизимли равишда ойликлар ўтказсин;

тиббиёт муассасаларининг, айниқса қишлоқ жойларда, репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларида оилалардаги билимлар ва тиббий маданиятни ошириш бўйича профилактика-тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан ишларини кучайтирсин;

олиб бориладиган тушунтириш ва профилактика ишларига маҳалла қўмиталари ва бошқа жамоат тузилмаларининг кенг жалб этилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 апрель,
ПҚ–1096-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

200 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 апрелдаги ПҚ–830-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 апрелдаги ПҚ–830-сонли қарорининг 3-иловасидаги 3-позицияси чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 апрель,
ПҚ–1097-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**201** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги марказий аппарати тузилмасига ўзгартиш
киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг қишлоқда иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг агротехнологиялар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг агротехнологиялар масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг қишлоқда иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг янги марказий аппарати тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 апрель,
ПҚ-1098-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

202 Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлашни яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинган хорижий кредит ва қарз маблағларига ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Корхоналар томонидан кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тарифларнинг мақбул даражасини сақлаб қолган ҳолда «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонасининг ва «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармасининг самарали фаолият кўрсатишини, шунингдек Самарқанд шаҳри ва Бухоро вилояти аҳолисини сув билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар доирасида Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолатлари остида жалб қилинган кредитлар ва қарзлар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш» лойиҳасининг 1, 1а ва 1б-иловаларга* мувофиқ техник-иқтисодий кўрсаткичларига эга бўлган тузатиш киритилган ТИА;

«Бухоро вилоятини сув билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасининг 2-иловага* мувофиқ техник-иқтисодий кўрсаткичларига эга бўлган тузатиш киритилган ТИХ;

«Самарқанд шаҳрида ичимлик сув ишлаб чиқаришни кўпайтириш, модернизациялаш ҳамда тақсимлаш» лойиҳасининг 3-иловага* мувофиқ техник-иқтисодий кўрсаткичларига эга бўлган тузатиш киритилган ТИХ;

«Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш» лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси субқарзларини «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси томонидан тўлаш жадваллари 4, 4а, 5, 5а-иловаларга* мувофиқ;

«Бухоро вилоятини сув билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳаси бўйича «Асака» банкининг «Instituto de Credito Oficial» (ICO) Испания давлат кредит агентлигининг имтиёзли кредитини қайта молиялаштириш йўли билан берилган кредитларини ҳамда «Сосьете Женераль» банки маблағлари-

* 1 — 5а-иловалар берилмайди.

ни «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан тўлаш жадваллари 6 ва ба-иловаларга* мувофиқ;

«Самарқанд шаҳрида ичимлик сув ишлаб чиқаришни кўпайтириш, модернизациялаш ҳамда тақсимлаш» лойиҳаси бўйича Франция Ҳукуматининг «Натексис» банки кредитини «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси томонидан тўлаш жадвали 7-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси кафолатлари остида жалб қилинган кредитлар ва қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни тўлаш улушларининг тақсимланиши 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси субқарзлари, Франция Республикаси Ҳукуматининг кредити бўйича «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонасининг тўлов мажбуриятлари 2009 йилгача асосан Бухоро ва Самарқанд вилоятлари маҳаллий бюджетларига прогноздан ортиқча даромадлар ва харажатларни тежаш ҳисобига асосан бажарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

жалб қилинган хорижий кредитлар ва қарзлар бўйича 2009 йилда асосий қарзни қоплаш, воситачилик ҳақи ва фоизларни тўлаш учун, тўлов улушларини 8-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда тасдиқланган Давлат бюджети параметрлари доирасида республика бюджети ҳисобига маблағлар ажратилишини таъминласин;

2010 йилдан бошлаб келгуси йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда жалб қилинган хорижий кредитлар ва қарзлар бўйича асосий қарзни қоплаш, воситачилик ҳақи ва фоизларни тўлашга «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонасининг ушбу мақсадлар учун йўналтирилган ўз маблағларига қўшимча равишда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари маҳаллий бюджетлари параметрларида тўлов улушларини 8-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда маблағларни назарда тутсин;

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмасининг субқарзлари бўйича «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонасининг 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра муддати ўтказиб юборилган қарзларининг таркибини, тўловни 2015 йилдан бошлаб 7 йил мобайнида тўлаш шарти билан, фоизлар қўшмасдан, ўзгартирсин.

4. «Асака» банки «Асака» банкининг ИСО Испания давлат кредит агентлигининг имтиёзли кредитини ва «Сосьете Женераль» банки маблағларини қайта молиялаштириш йўли билан берилган кредитлар бўйича «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармасининг 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларининг таркибини, тўлов-

* 6 — 8-иловалар берилмайди.

ни 2015 йилдан бошлаб 2 йил мобайнида тўлаш шарти билан, фоизлар қўшмасдан, ўзгартирсин.

5. Муддати ўтказиб юборилган дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонасининг 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси субқарзлари, Франция Ҳукуматининг «Натексис» банки кредити ва «Асака» банкининг ИСО Испания давлат кредит агентлигининг имтиёзли кредитини ва «Сосьете Женераль» банки маблағларини қайта молиялаштириш йўли билан берилган кредитлари бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган тўловлар юзасидан қўшилган пеняни ҳисобдан чиқариш масаласини кўриб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси ва «Сувоқова» Бухоро вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси билан субқарз битимларига, шунингдек «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси билан қайта кредитлаш тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 июлдаги 401–ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 апрель,
109-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 апрелдаги 109-сон қарорига
9-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Молиявий Протокол доирасидаги қарз маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 17 июндаги 305-сон қарорида:

а) 4-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қурилиш тугаллангандан кейин асосий қарзни, олинган кредитлар бўйича фоизларни ва бошқа молиявий харажатларни тўлаш қарз бериш тўғрисидаги Битим шартларида белгиланган муддатларда «Сувоқова» Самарқанд вилояти ишлаб чиқариш бошқармаси, «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси ва «Туямўйин-Нукус» минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармасининг ўз маблағлари, етишмайдиган қисми — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига, «Жанубий (Мирзачўл) канални замонавийлаштириш — II-босқич» лойиҳаси бўйича эса — давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилоятини сув билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги 67-сон қарорида:

а) 4-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «1 ва 2-иловаларга мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1 ва 2-иловалар чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон банки гуруҳи иштирокида «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 11 декабрдаги 435-сон қарорида:

а) бутун матн бўйича «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш бошқармаси» сўзлари «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги «Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 6-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 7-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 8-бандда:

«Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ва «Сувоқова» Бухоро вилояти ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш бошқармасининг ўз маблағлари» ва «маблағ билан таъминлашнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 9-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) 1, 3, 3а, 4 ва 4а-иловалар чиқариб ташлансин;

и) 2, 2а-иловалар тегишли равишда 1, 1а-иловалар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилояти ва Самарқанд шаҳри сув таъминоти корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 14 августдаги 172-сон қарорида:

а) бутун матн бўйича «Сувоқова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш

бошқармаси» сўзлари «Сувокова» Самарқанд шаҳар ишлаб чиқариш давлат корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

203 Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Рўйхатга киритилган ва гаров буюми ҳисобланган буюмларга ундирув, ушбу гаровдаги мулк билан таъминланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қаратилиши мумкин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 апрель,
110-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 14 апрелдаги 110-сон қарорига
ИЛОВА

**Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши
учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув
қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари,
кийимлар ҳамда бошқа буюмлар
РЎЙХАТИ**

Қарздор — жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган мол-мулк ва буюмларнинг қуйидаги турларига:

1. Асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги ҳисобланган шахсларнинг:

а) ягона сигирига, сигири бўлмаганда — ягона ғунажинига, хўжаликларидида сигир ҳам, ғунажин ҳам бўлмаганда, ягона эчкисига, қўйи ёки чўчқасига, шунингдек уй паррандасига (уй товуги, ўрдак, ғоз, курка ва цесаркага);

б) қорамол учун янги ем-хашак йиғиб олингунга қадар ёки яйловга чиқаргунга қадар (агар қорамолга ундирув қаратилмаган бўлса) ем-хашакка;

в) навбатдаги экиш учун зарур бўлган уруғларга;

2. Қарздор ва унинг қарамоғидаги шахслар нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган қуйидаги уй анжомлари, жиҳозлар, кийимларга:

а) ҳар бир шахсга кийимлар: кузги ёки баҳорлик пальто ёки плаш, битта қишлик пальто (ёки чопон, пўстин), битта қишлик костюм (аёллар учун — иккита қишлик кўйлак), эркаклар учун битта ёзлик костюм ёки чопон (аёллар учун — иккита ёзлик кўйлак), ҳар бир мавсум учун биттадан бош кийими (бундан ташқари аёллар учун — иккита ёзлик рўмол ва битта иссиқ рўмол ёки шолрўмол), узоқ муддат фойдаланилган ва қийматга эга бўлмаган бошқа кийим-кечаклар ва бош кийимларига;

б) фойдаланилган оёқ кийимлари, ички кийимлар, чойшаблар, ошхона ва емакхона жиҳозларига (қимматбаҳо металлдан тайёрланган, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган қадама нақшли буюмлар, шунингдек бадий санъат қийматига эга бўлган буюмлардан ташқари);

в) ҳар бир шахс учун мебель — биттадан қаравот ва стул ёки курси, оила учун битта стол, битта шкаф ва битта сандиққа;

г) болаларнинг барча жиҳозларига;

3. Ногирон шахсларда фойдаланишда бўлган ногиронларни реабилитация қилиш техник воситалари ва протез-ортопедия буюмларига;

4. Қарздорнинг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлса, янги ҳосилга қадар қарздор ва унинг оиласи учун зарур бўлган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларига, бошқа ҳолларда эса — қарздор оиласининг ҳар бири учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридида озиқ-овқатларга (пул маблағларига);

5. Қарздор ва унинг оиласи овқат тайёрлаши ва иситиш мавсуми мобайнида уй-жойини иситиши учун зарур бўлган ёқилғига ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин эмас.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

204 Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939*

(2009 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
30-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
2009-7-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги
30, 2009-7-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ
тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни
тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аввал хусусийлаштирилган корхоналар — давлат корхоналари негизида тузилган, хусусийлаштирилган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган корхоналар, инвесторлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари бажарилаётган корхоналардан ташқари;

объектив сабаблар — тарафларнинг хохиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, ушбу тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарила олмайдиган ҳолатлар:

табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори;

юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор;

юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор;

суднинг қарорига асосан юридик шахснинг фаолиятини тугатиш, тўхтатиб туриш.

2. Ушбу Вақтинчалик низом амалга ошираётган фаолият туридан қатъи назар, ягона солиқ тўловчиси бўлган барча аввал хусусийлаштирилган корхоналар учун татбиқ этилади.

II. Аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби

3. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнги икки чоракда объектив сабабларсиз, мол-мулк ва ер солигининг ҳисобланган ўн қарра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этган аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари солиқ органининг хабарномасига асосан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

4. Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўловчилари бўйича давлат солиқ инспекцияларининг балансларни ва солиқ ҳисоботини қабул қилиш бўлими ходимлари тақдим этиладиган солиқ тўловчиларнинг молиявий ва солиқ ҳисоботлари асосида реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмини мол-мулк ва ер солигининг норматив белгиланган миқдори билан солиштирадилар.

5. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми ягона солиқ тўлови бўйича солиқ ҳисоботи — Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби (02-варақ) (010-сатр «Жами» устун) асосида аниқланади.

6. Мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори ҳисоб-китоб маълумотларидан келиб чиқиб қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N = (H1 + H2) \times 10, \text{ бу ерда:}$$

N — мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори;

H1 — чорак ҳисобида мол-мулк солиғи;

H2 — чорак ҳисобида ер солиғи;

7. Мол-мулк солиғи ўтган солиқ даври учун бухгалтерия баланси (1-шакл) асосида аниқланади ва чорак ҳисобда ҳисоблаб чиқарилади (4-устун 012-сатри + 4-устун 022-сатр) / 4 x мол-мулк солиғи ставкаси);

Ер солиғи ваколатли органнинг ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги маълумотлари асосида аниқланади ва чорак ҳисобида ҳисоблаб чиқарилади (ер участкаси майдони x белгиланган ставкаси) / 4);

Мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдори жорий солиқ даври учун шартли доимий катталиқ бўлиб ҳисобланади.

8. Ушбу Вақтинчалик низом татбиқ этиладиган ҳар бир аввал хусусийлаштирилган корхона бўйича давлат солиқ инспекцияларининг балансларни ва солиқ ҳисоботини қабул қилиш бўлими ходимлари ҳисоблаб чиқарилган мол-мулк ва ер солигининг норматив белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ушбу Вақтинчалик низомнинг 1-иловасига мувофиқ Маълумотномани тўлдирадилар.

9. Давлат солиқ хизмати органлари маълумотномадаги маълумотлар асосида, объектив сабаблар бўлмаган тақдирда, агар икки кетма-кет келув-

чи чорак давомида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан кам бўлса, аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказадилар.

10. Давлат солиқ хизмати органи аввал хусусийлаштирилган корхонани уни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши тўғрисида ушбу Вақтинчалик низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда, чораклик ва йиллик ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатидан кейин 5 кун ичида ёзма равишда хабардор қилади.

11. Аввал хусусийлаштирилган корхона давлат солиқ хизмати органининг хабарномаси олинган ҳисобот даври бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади. Бунда қўшилган қиймат солиғи тугаганидан сўнг корхона умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши лозим бўлган ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

12. Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилган аввал хусусийлаштирилган корхона ягона солиқ тўловини тўлашга фақатгина кетма-кет келувчи тўрт чорак давомида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилишнинг ҳақиқатдаги ҳажми мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан юқори бўлган тақдирда ўтиши мумкин.

III. Яқунловчи қоидалар

13. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилишнинг ҳажми мол-мулк ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан кам бўлган тақдирда аввал хусусийлаштирилган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу Вақтинчалик низомда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

14. Давлат солиқ қўмитаси ҳар чоракда ягона солиқ тўлови ҳисоботини топширишдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилган корхоналар сони тўғрисида маълумот тақдим этади.

15. Ушбу Вақтинчалик низом 2011 йил 1 январгача амал қилади.

Аввал хусусийлаштирилган корхоналар —
ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбел-
гиланган солиқларни тўлашга ўтказиш
тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
1-ИЛОВА

_____ солиқ даври учун умумбелгиланган солиқларни
тўлашга ўтказишни белгилловчи кўрсаткичлар бўйича
МАЪЛУМОТНОМА

Кўрсаткичлар	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш ҳажми				
2. Мол-мулк ва ер солиғининг норматив белгиланган миқдори				

_____ туман (шаҳар) давлат
солиқ инспекциясининг балансларни ва солиқ
ҳисоботини қабул қилиш бўлимининг масъул
ходими

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Аввал хусусийлаштирилган корхоналар —
ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбел-
гиланган солиқларни тўлашга ўтказиш
тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
2-ИЛОВА

**Солиқ тўловчини умумбелгиланган солиқларни тўлашга
ўтказиш тўғрисидаги
ХАБАРНОМА**

_____ давлат солиқ инспекцияси
(туман, шаҳар номи)

Сизни

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

_____ (солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

МАНЗИЛ _____ (почта индекси, шаҳар (туман, кишлок),

_____ кўчанинги номи ва уй (хонадон)нинг рақами

шу ҳақда хабардор қиладики, _____ дан бошлаб
(ўтиш санаси)

умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиласиз.

Ўтиш учун асос _____

Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

№

Жўнатиш санаси:

--	--

--	--

--	--	--	--	--

(кк/оо/йй)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**205 Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг
ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза
қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1940*

(2009 йил 26 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-даги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 март,
13/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги
13/Б-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг
ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари (бундан кейинги ўринларда ошхоналар деб юритилади) учун қўлланилади.

2. Ушбу Қоидалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, давлат стандартлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Ошхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шaroитларни яратиб бериш иш берувчи томонидан амалга оширилиши лозим.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

4. Ошхоналарда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

5. Ошхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юри-тиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июн-даги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини тек-шириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Хавfli ишларга, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш электр қурилмалари, махсус технологик ускуналар ва механизмларга хизмат кўрса-тиш ишларига тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш тақиқланади.

7. «18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 11-сон) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

8. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

9. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги низомга (2000 йил 7 январь, рўйхат рақами 870) мувофиқ ишлаб чиқилади, ишловчиларни шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Касбий танлов

11. Ошхонада ишга қабул қилишда касбий танлов талаб қилинадиган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

12. Иш берувчи касблар ва мутахассисликлар бўйича касбий танловни ташкиллаштириши ҳамда амалга ошириши зарур.

13. Иш берувчи касбий танловдан ўтган ва ишга қабул қилинган шахсларни танлов тўғри бўлганини амалий тасдиқлаш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритиш мақсадида назорат қилишлари лозим.

4-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

14. Ошхонада ишлашга белгиланган тартибда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтган ҳамда тиббий жиҳатдан соғлом бўлган шахслар қўйилади.

15. Корхона раҳбарияти (ёки иш берувчи) ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим.

16. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

17. Корхона раҳбарияти тиббий кўриқ далолатномаси билан танишиб чиқиши, ҳамда далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

18. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

5-§. Шахсий ҳимоя воситалари

19. Ишчи ва хизматчилар белгиланган тартиб бўйича корхона томонидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади.

20. Ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар уларнинг қўлланилиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишни билишлари лозим.

21. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ошхонани қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

22. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишларнинг амалга оширилиши тақиқланади.

23. Корхона раҳбарияти қуйидагиларни таъминлаши шарт:

а) амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

б) ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга ошириш;

в) қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текшириш;

г) шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳитида

фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилиш (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

6-§. Ошхона хоналарига бўлган талаблар

24. Овқат тайёрлаш, овқатланиш хоналари, омборхона, маъмурий-маиший ва бошқа хоналар (кейинги ўринларда ошхоналар деб юритилади) амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

25. Ошхона бинолари водопровод, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти ҳамда ҳавони киритиш ва тортиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

26. Ошхона ва унга тегишли совутиладиган омборхоналар, машина бўлимларини беморлар хоналари тагига ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

27. Ошхоналарни беморлар хоналари ойналари олдида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

28. Шифохона ва туғруқхоналарда марказлаштирилган ҳолда ошхоналарнинг умумий юзаси, ёрдамчи хоналар ва омборхоналар билан бирга беморларнинг ўринлари сонига қараб белгиланади.

7-§. Маиший хизмат хоналари

29. Корхонада кийиниш хоналари бўлиши шарт. Бунда кийимларни сақлаш учун икки табақали шкафлар бўлиши назарда тутилиши керак.

30. Ходимлар учун маиший хизмат хоналари қўйидагилар билан жиҳозланган бўлиши керак:

ходимлар хонаси (дам олиш ва овқатланиш учун), бет-қўл ювгичлар, столлар, стуллар, диванлар;

ювиниш жойларида кўзгу билан совун қўйиш учун мослама, сочиқ ва кийим учун илгичлар.

31. Ҳожатхоналарга кираверишдаги эшиклар яхши ёпилиши учун уларга пружиналар ўрнатиш лозим. Ҳожатхоналарга кираверишда бет-қўл ювгичлар (ҳар бир ҳожатхонага биттадан бет-қўл ювгич) ва махсус кийимлар учун илгичлар бўлиши лозим.

32. Поллар тозалаш учун осон, силлиқ ва сирғанмайдиган материаллардан қилиниши ҳамда мазкур хонадан фойдаланиш гигиенаси талабларига жавоб бериши лозим.

33. Маъмурий ва ишлаб чиқариш хоналарининг иш жойларида поллар иссиқ (линолеум билан қопланган тахтадан ва бошқалар) бўлиши керак.

34. Ярим тайёр маҳсулот тайёрлаш цехлари ва идиш-товоқ ювиш хоналарида ифлос сувларни оқизиш мақсадида поллар ариқчалар томонига қияликка эга бўлиши керак.

35. Полларга ўрнатилган ифлос сувларни оқизувчи ариқчалар, қувур ўтказгичлари пол билан бир хил баландликда панжаралар билан ёпилган ва тозалаш учун қулай бўлиши лозим.

8-§. Иситиш ва вентиляция

36. Марказий иситиш тизими иссиқлик режими, иссиқлик ажратиши ва хавонинг намлигига қараб хоналарга иссиқлик берилишини бошқариш имконига эга бўлиши керак.

37. Иситиш асбоблари уларнинг юзасини доимо тозалаб турилишини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши ва жойлаштирилиши керак.

38. Маҳаллий иситиш тизими мавжуд бўлган хоналарда печкалар панжара билан жиҳозланган бўлиши керак.

39. Ошхоналар, идиш-товоқ ювиш хоналари вентиляция қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

40. Ошхона ходимларининг исиб кетишининг олдини олиш мақсадида бевосита иш жойларига тоза ҳаво берадиган ҳаво душлари қурилмасини ўрнатиш назарда тутилиши тавсия этилади.

41. Ҳавони бевосита ифлослантирувчи манбаларни (газ, чанг ва бошқа) маҳаллий тортиш вентиляцияси (зонтлар, қалпоқлар, тортувчи шкафлар) билан жиҳозлаш керак.

42. Ошхоналар осон очиладиган форточка ва фрамугалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

9-§. Канализация тизими

43. Ошхоналар канализация тизимига уланган бўлиши керак.

44. Таркибида ёғ моддалари бўлган оқова сувлар канализация тизимига туширилгунга қадар ёғ тутиб қолувчи мосламаларда тозаланиши зарур.

45. Ёғ тутиб қолувчи мосламалар бинодан ташқарида канализация чиқишларида ўрнатилади, уларга ошхоналардаги идиш-товоқлар, балиқ ва гўшт юувчи хоналар уланади.

46. Оқизувчи қувур ёғ тутиб қолувчи мосламага қадар иложи борича қисқароқ ва етарли даражада тафтиш қилиш ва тозалаш учун қулай бўлиши керак.

47. Таркибида кўп микдорда қум ва бошқа қаттиқ моддаларга эга сабзавот юувчи ва картошка тозаловчи машиналардан оқизилган сувлар канализация тизимига туширилишидан олдин қум тутиб қолувчи қурилмаларда тозаланади.

10-§. Ёритиш тизими

48. Ошхоналар табиий ёруғлик билан таъминланиши лозим.

49. Кийимхоналар, ҳожатхоналар, бет-қўл ювгичлар, душхоналар, омборхоналар, нон кесувчи хоналар, буфетлар, йўлаклар, юувчи ва музлатгич мосламаларининг машина бўлинмаларини сунъий ёритишда люминесцент лампалардан фойдаланиш ман этилади.

50. Совутиш камераларида табиий ёритишга рухсат этилмайди.

51. Деразаларни шкафлар, жавонлар билан тўсиш ман этилади.

52. Сунъий ёритишда иш жойига етарли даражада ёруғлик берилиши ва ёруғлик бир текисда тарқалиши лозим, шу билан бирга иш жойи ва атроф ёритилишида кескин фарқлар ва кескин соялар бўлмаслиги ва ёруғлик манбаи кўзни қамаштирмаслиги керак.

53. Ошхоналарда, йўлаклар ва зинапояларда одамларни фавқулодда ходисалардан эвакуация қилиш учун қўшимча ёритиш назарда тутилиши лозим.

III. Ошхоналарда ишлатиладиган асбоб-ускуналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Технологик электр ва механик ускуналарга қўйиладиган умумий талаблар

54. Технологик, электр ва механик ускуналар (бундан кейинги ўринларда ускуналар деб юритилади) билан ишлаш учун улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича масъул ходим бириктирилиши лозим.

Ҳар битта ускуналарни хавфсиз ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари бўлиши керак.

55. Ускуналар яқинида ёки бунинг учун махсус ажратилган жойларда хавфсизлик техникаси бўйича плакатлар ёки огоҳлантирувчи ёзувлар осиб қўйилади.

56. Ускуналарнинг хавфсиз ишлатилиши устидан тегишли тайёргарликка эга бўлган ходим томонидан назорат ўрнатилади. Унинг мажбуриятлари ускуналарни текширувдан ўтказишда қатнашиш, ускуналардан хавфсиз фойдаланиш ва уларни белгиланган муддатларда профилактик таъмирлашни амалга оширишни назорат қилишдан иборат.

Ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш ҳар 15 кунда амалга оширилиши керак.

57. Кўрикдан ўтказиш натижалари ва ўтказилган таъмирлаш ҳақидаги маълумотлар махсус журналда қайд этилади.

Ҳар бир янги ўрнатилган ёки таъмирланган ускуналар техник кўриктан ўтказилиши ва салт юришда ҳамда юк остида синаб кўрилиши керак. Синов ҳақида далолатнома тузилади ва журналга ёзиб қўйилади, шундан сўнг ускуналар фойдаланишга топширилиши мумкин.

58. Ускуналарни ўрнатишда, таъмирлашда, жойини ўзгартиришда унинг ағдарилиб тушиши ёки ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишининг олдини олиш бўйича чоралар кўрилиши керак.

59. Электр двигателлар ҳамда машина ва механизмларнинг барча ҳаракатланувчи қисмлари (валлари, роликлари ва бошқалар) тўсилган бўлиши керак.

60. Ускуналарни ишлатишдан олдин унда ҳеч қандай ишлар олиб борилмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш ва яқин орадаги ходимларни бу ҳақда огоҳлантириш зарур.

61. Электр двигателини ёққанда узатма вали ускунадаги стрелка билан кўрсатилган йўналиш бўйича айланиши лозим.

62. Электр двигатели ускунани (картошка тозаловчи, гўшт майдаловчи) маҳсулот билан юклашдан олдин ёқилиши керак.

63. Иш камерасини меъёридан ортиқ юк билан тўлдириш ман этилади.

64. Ускунада ишлаганда электр двигателининг редуктор қутиси ва подшипниклар корпусининг қизиб кетмаслигини назорат қилиш лозим (қизиши 60°C дан ошмаслигига рухсат этилади).

65. Ускуна ишлаётган вақтда тезликни ўзгартириш фақатгина поғонасиз тезлик ростлагичлари бўлганда йўл қўйилади, қолган ҳамма ҳолларда тезликни ўзгартириш узатма узиб қўйилганида амалга оширилади.

66. Ишлаётган машиналарни қаровсиз қолдириш ман этилади.

67. Ускуналар ишламаётган вақтда бегона шахслар томонидан ишлатиб юборилишининг олдини олиш мақсадида уларни ёқиш қурилмаларини ўчириб қўйиш керак.

68. Авария юз берганида ёки ускуна ўз-ўзидан тўхтаб қолганида зудлик билан ускуна узатмасини тўхтатиш зарур.

69. Ускуналарни фойдаланиш йўриқномаларида назарда тутилмаган операцияларни бажариш учун қўллаш ман этилади.

70. Ускуналар фақатгина малакали мутахассислар томонидан таъмирланиши лозим.

71. Ускуналарни тозалаш, созлаш ва таъмирлаш фақатгина двигатель ўчирилганидан ва ҳаракатланувчи қисмлари тўлиқ тўхтаганидан сўнг амалга оширилади.

72. Ускуналарни бўлақларга ажратиш ва йиғишда белгиланган мақсадга номувофиқ бўлган ва ўлчами тўғри келмайдиган асбоблардан фойдаланиш ман этилади.

2-§. Электротехник қурилмалар

73. Барча қўлланиладиган электр жиҳозлари (машиналар, аппаратлар, ўлчов асбоблари, симлар, кабеллар ва бошқалар) хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бериши шарт.

74. Электр жиҳозларининг барча турлари, типи, қуввати, ток кучи, кучланиши белгиланган завод маркаси ва паспортига эга бўлиши керак.

75. Электр қуввати билан ҳаракатга келтириладиган электр жиҳозларининг барча турлари, шунингдек электр қурилмалари ўрнатилган металл конструкциялар ерга уланган бўлиши шарт. Электр жиҳозларидан ерга уланмасдан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

76. Ерга уланганликни текшириш бир йилда бир марта ўтказилиши шарт.

77. Кучли (асосий) қурилмаларни ҳаракатга келтирувчи рубильникларни ток ўчиргичлар ва ёруғлик рубильниклари ёнига ўрнатишга йўл қўйилмайди.

78. Бошқа хонадан бошқарилувчи ҳаво киритиш ва сўриш вентиляция-

си электр двигателлари камерасига тўсиқлар билан химояланган қўшимча уч полюсли рубильниклар ўрнатиш лозим.

79. Электр жиҳозлари ва ёритгичларни тозалаш, чангини артиш ва таъмирлаш фақат электр қуввати ўчирилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

80. Электр жиҳозларини тузатиш ва таъмирлаш ишлари «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (2004 йил 9 июль, рўйхат рақами 1383) ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари» (2004 йил 20 август, рўйхат рақами 1400) бўйича билими текширилган ва гувоҳномага эга бўлган электр-техник ходимлар томонидан бажарилиши керак.

3-§. Музлатгич қурилмалари

81. Музлатгич қурилмаларини ишлатишда меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари бўлиши шарт.

82. Компрессор яқинида кўринарли жойда фреон музлатгич қурилмалари ёки аммиакли музлатгич қурилмаларини ишлатиш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари осиб қўйилган бўлиши, шунингдек биринчи тиббий ёрдам ҳақида, ўт ўчириш командаси ва тез ёрдамнинг телефон рақамлари, автоматик қурилмалар ўрнатилган бўлса, мазкур қурилмани назорат қилувчи ташкилотнинг манзили, телефон рақами бўлиши зарур.

4-§. Иситиш ускуналари

83. Иситиш ускуналарига хизмат кўрсатиш, уларни ишлатиш ва назоратини олиб бориш бўйича белгиланган тартибдаги гувоҳномага эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

84. Босим остида ишловчи ускуналарда яроқсиз манометрлар, сақловчи ва ҳаво клапанларидан фойдаланишга рухсат этилмайди. Манометр циферблатида мазкур аппарат ишлаши мумкин бўлган босимни белгиловчи қизил чизик ўтказилган бўлиши керак.

85. Манометрлар корхона томонидан ҳар 6 ойда бир марта техник кўриқдан ўтказилиши, сақловчи клапан ва продувка крани ишловчилар томонидан ҳар куни текширилиши лозим.

86. Ҳар бир аппарат олдида ундан хавфсиз фойдаланиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси осиб қўйилган бўлиши керак.

87. Ускуна ишлаётганида уни қаровсиз қолдиришга йўл қўйилмайди.

88. Корхона раҳбари ёки механигининг рухсатисиз иссиқлик ускуналари, коммуникацияларни таъмирлаш, шунингдек арматурани таъмирлаш, созлаш ва монтаж қилиш ман этилади.

89. Босим остида ишлайдиган ускуна капитал таъмирланганидан сўнг техник далолатнома расмийлаштирилиб, икки ҳиссали босим остида гидравлик синовдан ўтказилади.

5-§. Қаттиқ ёқилғида қизитилувчи овқат пишириш плиталари

90. Янги лойиҳаланаётган ва қайта қурилаётган ошхоналарда қаттиқ ёқилғида қизитилувчи плиталар учун ошхонадан пардевор билан ажратилган алоҳида эшикли ўтхона қуриш тавсия этилади. Кўмирда ишловчи плиталар учун бундай хонанинг қурилиши шарт.

91. Плитани ёқишда керосин, бензин ва бошқа тез алангаланувчи суюқликлардан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

92. Ёқилғи (кўмир ва бошқалар) учун махсус таралар бўлиши керак.

93. Қаттиқ ёқилғида қизитилувчи плиталар олдида улардан хавфсиз фойдаланиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси осиб қўйилган бўлиши керак.

6-§. Газда овқат пишириш аппарати

94. Газ аппаратурасига хизмат кўрсатиш газда овқат пишириш аппаратидан фойдаланиш бўйича белгиланган тартибдаги гувоҳномага эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Уларнинг билимлари ҳар йили такрорий текширишдан ўтказилади.

95. Ҳар бир аппарат олдида келаётган газ линиясида кран бўлиши керак.

96. Горелкани ёқишдан аввал хонани ва ёниш камерасини шамоллатиш лозим.

97. Хонани шамоллатиш учун сўрувчи вентиляция ёқилади, агар у йўқ бўлса, форточкалар ва эшиклар очилади.

98. Ишлаётган аппаратларни қаровсиз қолдириш ман этилади.

99. Газ коммуникацияси, аппаратлари ёки автоматикаси бузилганида, шунингдек газ ҳиди сезилганида газ бўйича чилангарни чақириш лозим.

100. Хонада газ ҳиди сезилса, электр чироқлари, вентиляторлар ва бошқа электр асбобларини ёқиш ва ўчириш, шунингдек олов ёқиш ман этилади.

101. Аппаратлар иши тугатилганидан сўнг горелка кранлари, умумий газ крани ва аппарат шиберини ёпиш лозим. Бундан ташқари ошхонада иш тугаганида ҳисоблагич олдидаги умумий газ кранини ёпиш керак.

7-§. Бугда овқат пишириш аппарати

102. Аппарат ишлаётган вақтда доимо манометрга қараб, буғ босимини кузатиб туриш лозим.

103. Буғ ўтказувчи ва конденсат қувур ўтказгичлари изоляцияланган бўлиши керак.

104. Бугда пиширувчи аппаратура қайтиш линиялари конденсацион тувакларга эга бўлиши керак.

Гидравлик зарбларнинг олдини олиш учун конденсацион тувакнинг ишлашини доимо кузатиб туриш зарур.

Конденсацион тувак даврий тарзда конденсатни тушириб туриши ва буғ чиқармаслиги керак. Тувак нотўғри ишлаганида механикни чақириш керак.

8-§. Электр иситгич аппаратлари

105. Электр иситгич аппаратларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш паспорт ва йўриқнома кўрсатмаларига ҳамда «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидалари»га биноан амалга оширилиши шарт.

106. Ҳар бир электр иситувчи аппарат уни ишлаб чиқарган корхонанинг номи, аппаратнинг рақами, ток кучланиши, истеъмол қуввати кўрсатилган паспортга, шунингдек фойдаланиш ва кўриқдан ўтказиш бўйича йўриқномага эга бўлиши керак.

107. Ёқувчи мосламалар аппаратни тезликда ва хавфсиз ёқиб ўчирилишини таъминлаган ҳолда бевосита иш жойи яқинида ўрнатилади.

108. Электр иситгич аппаратларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни жорий таъмирлаш фақат электр механиклар томонидан амалга оширилиши керак.

9-§. Плиталар

109. Плита тўшамаси текис ва силлик бўлиши керак. Тўшамаси деформацияланган плитани ишлатишга йўл қўйилмайди.

Плита борт юзалари ва тутқичларга эга бўлиши керак.

110. Духовка эшикчаларининг тутқичлари яхши изоляция қилинган бўлиши керак.

111. Қиздирилган плиталарнинг тўшамаси ёки конфоркаларини сув билан сунъий совутишга йўл қўйилмайди.

10-§. Сув қайнатгичлар

112. Қайнатгични ишлатиш учун ёқишдан аввал унга сувнинг кираётганлиги, ҳамда сув билан тўлдирилганлигига, сузувчи клапаннинг нормал ишлашига, шунингдек иссиқ сувнинг чиқишидаги жўмракнинг очилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

113. Қайнатгичга совуқ сув келиши тўхтаб қолганида ишни зудлик билан тўхтатиш лозим.

114. Қайнатгичнинг сигнал трубкасини ёпиш ман этилади.

115. Қайнатгич ишлаётганида кузатув остида бўлиши керак.

116. Зарблар, буғланиш ва кучли шовқин пайдо бўлганида, зудлик билан қайнатгич ишлашини тўхтатиш ва механикни чақириш керак.

**IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганлиги
учун ходимларнинг жавобгарлиги**

117. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган ходимлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

V. Яқуний қоида

Мазкур Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 март*

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 март*

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**206** Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941*

(2009 йил 26 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–532-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–594-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) асосан **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 24 ноябрь,
110-сон

Молия вазирининг
2008 йил 24 ноябрдаги 110-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари
муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва
бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг
ғазна ижроси тартиби ҳақида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмиталари корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва ҳарбий қисмлари (кейинги ўринларда — бюджетдан маблағ олувчилар) бюджет харажатларининг, шу жумладан махфий харажатларнинг ғазна ижроси, шунингдек республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларни ишлатган ҳолда махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг ижроси тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар (кейинги ўринларда — мол етказиб берувчилар) билан шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг харажатларини тўлаб бериш, шу жумладан махфий характерга эга бўлган бюджет харажатлари тўловларини амалга ошириш бўйича вазифа ва функцияларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ғазначилик бўлинмалари) томонидан амалга оширилади.

2. Давлат бюджети харажатларининг ғазна ижроси билан қамраб олинadиган ғазначилик бўлинмалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати, зарур ҳолларда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан ишлаш учун, шунингдек, махфий

характерга эга бўлган харажатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолларда, ҳар бир вазначилик бўлинмасида махфий маълумотлар билан ишлашга ўрнатилган тартибда рухсат олган алоҳида ходимлар аниқланади.

3. Юқорида кўрсатилган бюджетдан маблағ олувчилар билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази ва вазначилик бўлинмалари томонидан маълумотлар хавфсизлиги режими таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

4. Ҳазна ҳисобварақларини ишлатган ҳолда Давлат бюджетининг Ҳазна ижросига ўтилиши муносабати билан Давлат бюджети қарамоғидаги бюджетдан маблағ олувчиларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварақлари, шу жумладан капитал қурилиш буюртмачиларининг марказлаштирилган манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар харажатлари бўйича банк ҳисобварақларини, жумладан:

республика бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган (23404, 23405 ва 23422 ҳисобварақ);

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган (23432, 23424 ва 23433 ҳисобварақ);

вилоят бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган (23430, 23431 ва 23424 ҳисобварақ);

Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган (23426, 23424 ва 23427 ҳисобварақ);

туман ёки шаҳар бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган (23426 ва 23427 ҳисобварақ) ишлатилиши тўхтатилади.

Бунда, бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақлари ёпилган, юридик шахс мақомига эга бўлган, бюджет ташкилотлари учун юқоридаги ҳисобварақларда операциялар тўхтатилганидан сўнг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварақ (21504, 21506, 20203 ва 20204) асосий ҳисобварақ ҳисобланади.

5. Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунгача депозит ҳисоб рақамларни ёпишда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунгача депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиқлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида хизмат кўрсатувчи банклар томонидан 23404, 23405, 23422, 23424, 23426, 23427, 23430, 23431, 23432 ва 23433 ҳисобварақлардан тегишли республика ёки ҳудудий Ҳазна ҳисобварақларига (кейинги ўринларда — Ҳазна ҳисобварақлари) ўтказилади.

6. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш учун вазначилик бўлинмалари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банкларда 23212 «Молия вазирлиги Ҳазначилигининг маблағи» ва 23214 «Ҳудудий Ҳазначилик бўлинмаларининг маблағи» ҳисобварақлари очилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда) мувофиқ бюджетдан маблағ олувчиларнинг Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг (кейинги ўринларда — харажатларнинг иқтисодий таснифи) 4 гуруҳ харажатлари бўйича Давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш белгиланган.

Бунда, республика ғазна ҳисобварағида, шунингдек, ҳудудий ғазна ҳисобварақларда биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқча миқдорда маблағ қолдиқлари мавжуд бўлган ҳолларда, ой давомида учинчи ва тўртинчи гуруҳ харажатлари бўйича ошган сумма миқдорида харажатларни амалга оширишга рухсат берилади.

II. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига харажатлар сметаларини ва уларга ўзгартиришларни тақдим қилиниши

8. Тегишли молия органларида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган бюджет маблағлари бўйича яқка тартибдаги ва умумий харажатлар сметаси ҳамда уларга ўзгартиришлар бюджетдан маблағ олувчилар ёки молия органлари томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

9. Ғазначилик бўлинмалари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга ошириш фақат уларга бюджетдан маблағ олувчилар ёки молия органлари бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларини тақдим қилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

10. Йил бошида, бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатга олинган харажатлар сметалари мавжуд бўлмаганда, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига мувофиқ, молия органлари томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган вақтинчалик чораклик харажатлар сметалари (кейинги ўринларда — вақтинчалик харажатлар сметалари) асосида бошланган молия йилида бюджетдан маблағ олувчиларнинг юридик ва молиявий мажбуриятлари рўйхатга олиниши ва харажатлари амалга оширилиши мумкин.

11. Капитал қурилиш объектлари бўйича капитал қурилиш буюртмачилари капитал қурилиш объектлари бўйича тегишли молия органлари билан келишилган, қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титул рўйхати асосида тузилган, харажатларнинг ойлик бўлинмасини (кейинги ўринларда — капитал қурилиш бўйича харажатлар сметаси) ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилади.

Капитал қурилиш бўйича харажатлар сметасига аниқликлар қурилишларнинг аниқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида, конкурс савдо-

ларининг ўтказилиши ва юқоридаги қурилишлар рўйхатларини ўрнатилган тартибда тасдиқланишига қараб киритилади.

12. Ҳазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг мол етказиб берувчилар билан шартномалар тузиши ва улар томонидан харажатлар иқтисодий таснифининг тегишли моддалари бўйича кредиторлик қарзларни ҳисобга олган ҳолда, харажатларни бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасида кўрсатилган лимитлар доирасида амалга оширилиши устидан назорат қилади.

13. Асосий харажатлар сметалари рўйхатга олингандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчилар ва уларнинг мол етказиб берувчилар билан вақтинчалик харажатлар сметалари асосида олдин тузган шартномаларини рўйхатга олинган асосий харажатлар сметаларига мувофиқлаштириш мақсадида, зарур бўлган ҳолларда, ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

14. Якка тартибдаги харажатлар сметаларини рўйхатга олишда вақтинчалик харажатлар сметасида тасдиқланган бюджет маблағларининг асосий харажатлар сметасида кўзда тутилган харажатлар иқтисодий таснифининг тегишли моддалари бўйича ажратилган бюджет маблағларидан ошишига йўл қўйилмайди.

15. Тегишли бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар ёйилмасига, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларига, капитал қурилишнинг смета харажатларига (қурилишларнинг манзилли ва титул рўйхатларига (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхатига) ўзгартиришлар киритиш, молия органлари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар, буюртмачилар ҳамда киритилаётган ўзгартиришларни тегишли Ҳазначилик бўлинмалари билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади.

16. Қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятларнинг бюджетдан ажратилган маблағлар суммасидан, шунингдек, касса харажатларининг аниқланган ажратилган бюджет маблағлари суммасидан ортиқча амалга оширилишига олиб келадиган миқдорда бюджет маблағларини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, ажратиладиган бюджет маблағларининг камайтирилиши томонлар юридик мажбуриятини ўзаро камайтирган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ажратилган бюджет маблағлари кўпайтирилгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчилар ва уларнинг мол етказиб берувчилари ўртасида тузилган хўжалик шартномаларига томонларнинг юридик мажбуриятлари айнан бир хилда кўпайтирилишини кўзда тутадиган ўзгартиришлар киритиш мумкин.

17. Бюджет ташкилотлари ташаббуси билан харажатлар сметаларига киритилаётган камайтиришларнинг Ҳазначилик бўлинмалари билан келишуви қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) бюджетдан маблағ олувчи тегишли хат билан хизмат кўрсатувчи Ҳазначилик бўлинмасига бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасига ўзгартириш сўровномасини (кейинги ўринларда — сўровнома) тақдим қилади;

2) Ҳазначилик бўлинмаси:

тузилган ва рўйхатга олинган шартномалар (касса харажатлари) суммаларини таклиф қилинаётган аниқликларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган (таклиф қилинаётган) бюджетдан ажратилган маблағлар суммаларидан ошмаганлиги бўйича сўровномани текширади;

камайтириш режалаштирилаётган режали бюджет маблағлари бўйича бюджетдан маблағ олувчининг тегишли харажатлар моддалари бўйича мажбуриятларни рўйхатга олиш ва харажатлар тўловларини амалга оширишни ваколатли орган томонидан бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилингунга қадар (камайтириш кўзланаётган суммалар қисмида), тўхтатиб қўяди;

икки иш кунидан ошмаган муддатда сўровномага «КЕЛИШИЛДИ» штамп, имзо ва рўйхатга олинган сана қўйилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

3) фазначилик бўлинмасига келишув учун тақдим қилинган ўзгартириш сўровномаси асосли сабабларга кўра қондирилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, фазначилик бўлинмаси уч кун муддатда қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда қайтаради.

18. Бюджетдан маблағ олувчи келишилган сўровномани олгандан сўнг икки иш кунни мобайнида уни ажратилган бюджет маблағларини бош тақсимловчиси орқали тегишли молия органига юборади.

Молия органи ўзгартириш киритишни рад қилган ҳолатда, бюджетдан маблағ олувчи мажбуриятлар олиш ва харажатларни амалга оширишни тўхтатиб қўйилишини бекор қилиш учун тегишли молия органининг хатини илова қилган ҳолда хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмасига хат юборади.

19. Агар марказлаштирилган бухгалтерия ёки бюджет ташкилоти бухгалтерияси томонидан юридик мақомга эга ва эга бўлмаган бир нечта бюджетдан маблағ олувчига хизмат кўрсатилса ва уларнинг харажатлари олдин битта бюджет банк ҳисобварағидан амалга оширилган бўлса, у ҳолда улар томонидан фазначилик бўлинмаларига якка тартибдаги сметаларни илова қилган ҳолда битта умумий харажатлар сметаси тақдим этилади.

Бунда, фазначилик бўлинмалари томонидан бундай ташкилотларнинг юридик ва молиявий мажбуриятларини қабул қилиш, шунингдек, харажатлар тўловларини амалга ошириш устидан назорат тақдим қилинган умумий харажатлар сметаси бўйича амалга оширилади.

20. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағларига камайтиришлар киритилиши зарур бўлганда, мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, молия органлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритишга асос бўладиган ҳужжатлар лойиҳаси, ҳисоб-китоблар билан биргаликда тегишли фазначилик бўлинмасига тақдим қилинади (тақдимнома, маълумотнома-билдиришнома ва бошқалар).

21. Юқоридаги ҳужжатлар лойиҳалари, ҳисоб-китоблар билан биргаликда молия органлари томонидан фазначилик бўлинмаларига улар тузилган кун-

дан сўнг икки иш кунидан кечикмаган муддатда келишиш учун тақдим қилинади.

22. Ҳазначилик бўлинмалари мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган, тақлиф қилинаётган ўзгартиришларни киритиш мумкинлиги юзасидан тегишли бюджетларда турувчи бюджетдан маблағ олувчилар бўйича тегишли бўлим, боб, параграфлар ва харажатлар моддалари бўйича амалга оширилган касса харажатлари, шунингдек, банд қилинмаган юридик ёки молиявий мажбуриятларни тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар билан солиштириш орқали кўриб чиқади.

Бунда, ҳудудларда жойлашган, республика бюджетидан маблағ олувчилар ўзгартириш бўйича юқорида кўрсатилган ҳужжатларни жойлардаги жойидаги тегишли ҳазначилик бўлинмасига тақдим қилади.

23. Текширувлар ижобий натижалар берганда ва кўрсатилган харажатлар турлари бўйича ажратилган бюджет маблағларига тақлиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлганда, ҳазначилик бўлинмалари:

Ҳазначиликнинг дастурий мажмуида камайтирилиши кўзланаётган тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ҳазна ҳисобварақларидаги тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди;

ҳужжатлар тақдим қилинган куннинг кейинги кунидан кечикмаган муддатда, ижобий ҳулосани тақдим қилинган ҳужжатлар билан биргаликда тегишли молия органига йўллайди.

Бунда, ҳазначилик бўлинмалари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг кейинги касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўйишни бекор қилиш, молия органлари томонидан ҳазначилик бўлинмаларига, ҳазначилик бўлинмалари билан ўрнатилган тартибда келишилган асосда барча тасдиқланган ва рўйхатга олинган, бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағларига, тегишли яққа тартибдаги сметаларига киритилган ўзгартиришлар рўйхати нусхалари тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.

24. Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган ажратилган маблағлар мавжуд бўлмаганда ҳамда молия органларига тақдим қилинган ҳужжатларда тақлиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, ҳазначилик бўлинмалари уларни молия органлари томонидан ҳужжатлар ва ҳисоб-китоблар тақдим қилинган кундан бошлаб икки иш кунидан кечикмаган муддатда, тақлиф қилинаётган ўзгартиришларни киритиш имкони йўқлиги сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма ҳулоса тузади ва молия органига қайтаради.

25. Ҳужжатлар лойиҳаси ва ҳисоб-китоблар бўйича молия органи ҳазначилик бўлинмасидан салбий ҳулоса олгандан сўнг, молия органи ўрнатилган тартибда ҳужжатларни қайта ишлаш ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг

тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағларига ўзгартиришлар киритишга тўсқинлик қилувчи сабабларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўради.

III. Имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари

26. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан Ҳазначилик дастурий мажмуида шахсий ғазна ҳисобварақлар очишда бюджетдан маблағ олувчилар томонидан икки нусхада имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари (кейинги ўринларда — карточка) тақдим қиладилар (карточка шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади).

Бунда, карточкаларнинг бир нусхаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олувчи мутахассисда, иккинчи нусхаси эса бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўловларини амалга оширувчи мутахассисда сақланади. Карточкалар мажбурий равишда юқори турувчи ташкилот (ёки нотариус) томонидан тасдиқланади, тасдиқлаш талаб қилинмайдиган давлат муассасаларининг имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари бундан мустасно.

Карточкаларда бюджетдан маблағ олувчилар учун ғазначилик бўлинмаларида очилган шахсий ғазна ҳисобварақлар рақамлари мажбурий тартибда кўрсатилади.

27. Карточкага ташкилотнинг раҳбари, бош ҳисобчиси ва юрист маслаҳатчиси ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахснинг имзо намуналари қўйилади ва улар ташкилот муҳри билан тасдиқланади. Агар бюджетдан маблағ олувчида тасдиқланган штат жадвалига асосан юрист маслаҳатчи штати кўзда тутилмаган бўлса, унинг имзо намунаси карточкада бўлиши талаб қилинмайди.

28. Карточкадаги имзо намуналарига (биринчи ва иккинчи) имзо ҳуқуқига эга бўлган, тегишли ходимлар (кейинги ўринларда — мансабдор шахслар деб юритилади) ўз қўллари билан қўйиши шарт (факсимил орқали қўйилишига йўл қўйилмайди).

Биринчи имзо ҳуқуқи бош ҳисобчига ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

29. Вақтинчалик биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилганда, шунингдек, раҳбар томонидан ваколат берилган жавобгар шахслардан бири вақтинчалик алмаштирилганида янги карточка тўлдирилмайди, фақат вақтинча ваколатга эга бўлган шахснинг имзо намунаси бўлган қўшимча карточканинг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда тақдим қилинади. Ушбу вақтинчалик карточкага раҳбарнинг имзоси қўйилади, муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда нотариус ёки юқори турувчи ташкилот томонидан тасдиқланади.

30. Ташкилот муҳри ўзгарганда, карточкада акс эттирилган имзоларнинг бирортаси алмашганда ёки қўшимча киритилганда, ўрнатилган тартибда бюджетдан маблағ олувчи нотариус ёки юқори турувчи ташкилот томонидан тасдиқланган янги карточка тақдим қилади.

Имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари ғазначилик бўлинмасида ўрнатилган тартибда ҳисоб юритиш ва сақлаш учун қолади.

Бундан ташқари, бюджетдан маблағ олувчи — ташкилот раҳбарининг буйруғи билан фазначилик бўлинмалари билан ишлаш учун ходимлар рўйхати тасдиқланади.

IV. Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

§ 1. Умумий қоидалар

31. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек, Давлат бюджети ҳисобидан капитал қурилиш буюртмачиларининг шартномалари фазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинади.

Бунда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари ҳисобидан тузадиган шартномаларида қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, белгиланган тартибда 15 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилиши кўзда тутилади.

32. Фазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидаги юридик мажбуриятини белгиланган тартибда, улар ўрта-сида тузилган шартнома асосида рўйхатга олади.

33. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан юридик мажбуриятларнинг қабул қилиниши, уларнинг харажатлар сметаларида иқтисодий таснифнинг тегишли моддалари бўйича кўзда тутилган, ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми доирасида амалга оширилади.

34. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан фақат молиялаштириш манбаи ва ҳажми мавжудлиги тўғрисида тасдиқ мавжуд бўлган сотиб олиш ҳажмига шартнома тузилиши мумкин.

35. Харажатлар сметасида кўзда тутилган ажратиладиган бюджет маблағлари суммаси асосида аниқланган юридик мажбуриятлар ҳажми бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши лозим бўлган, молия йили бошига тегишли моддалар бўйича мавжуд кредиторлик қарзи суммасига камайтирилади.

36. Бюджетдан маблағ олувчилар молия йили бошига мавжуд кредиторлик қарзининг иқтисодий таснифнинг маълум моддаларига, функционал таснифнинг бўлими ва параграфига алоқадорлигини кўрсатган ҳолда, жорий молия йилида хўжалик операциялар бошлангунига қадар фазначилик бўлинмаларига ёзма равишда маълумот тақдим қилади.

37. Бюджетдан маблағ олувчиларга тўлов манбаи сифатида ажратиладиган бюджет маблағларини белгиланган ҳолда, молия йилидан ошадиган муддатга харид учун, шунингдек, лизинг ва (ёки) бошқа турдаги кредитга харид қилиш учун шартнома тузиш тақиқланади.

38. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари бир вақтнинг ўзида бир нечта параграф (шахсий ҳисобварақ) бўйича амалга оширилганда, шартномаларда ҳар бир фазна шахсий ҳисобварағи (параграфи) бўйича суммалар алоҳида кўрсатилади.

39. Товар (иш, хизмат)лар тўлови бир нечта манбалар маблағи ҳисоби-

дан амалга оширилиши кўзда тутилган ҳолларда, шартномаларда мажбурий равишда ушбу манбалар бўйича реквизитлар ва улар ҳисобидан тўланиши лозим бўлган суммалар алоҳида кўрсатилади.

40. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал таъмирлашни амалга оширишда шартномаларга бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ўрнатилган тартибда бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш манзилли рўйхати, шунингдек:

мазкур Низомнинг 1-сонли иловасига мувофиқ шаклда тўлов жадвали; дефект далолатномаси;

смета-лойиҳа ҳужжатлари (СЛХ тайёрловчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлишлари лозим);

конкурс танлови ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома, агар шартнома суммаси 25 минг АҚШ доллари миқдоридан ошса, тендер савдолари ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома;

бино ва иншоотларни капитал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

бино ва иншоотларни капитал таъмирлашга тендер ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар шартнома суммаси 25 минг АҚШ доллари миқдоридан ошса);

буюртмачининг ўрнатилган тартибда тузган конкурс савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботи (архитектура ва қурилиш бўйича Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган) тақдим қилинади.

41. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан махсус асбоб-ускуна, ҳарбий техника, қурол-яроғ, хўжалик ва бошқа ҳарбий буюмларнинг капитал таъмирлашини амалга оширишга шартномалар билан бирга бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қуйидагилар тақдим қилинади:

мазкур Низомнинг 1-сонли иловасига мувофиқ шаклда тўлов жадвали; дефект далолатномаси;

конкурс танлови ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома, агар шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридан ошса, тендер савдолари ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома;

капитал таъмирлашга тендер ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридан ошса).

42. Бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларга қўшимча равишда, мол етказиб берувчилардан уларнинг тегишли органларда рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини сўраб оладилар.

Бундан ташқари, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан товар-моддий бойликлар сотиб олинаётганда, мол етказиб берувчиларнинг улгуржи савдо қилишга лицензияси ва рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг (хусусий тадбиркорлар учун) нотариал тасдиқланган нусхалари мол етказиб берувчилардан талаб қилинади.

Юқоридаги ҳужжатлар вазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун тақдим қилинган шартномалар билан биргаликда тақдим қилинади.

43. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ички хўжалик юритувчи бўлин-

малари томонидан товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг кир ювиш бўлинмалари, меҳмонхоналари, таъмирлаш-қурилиш гуруҳлари (бригадалари) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ёрдамчи хўжалик-лари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ички хўжалик шартномалари ва тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган, ички хўжалик шартномалари бўйича товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида тўловларни ўтказиш ғазначилик бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ва ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг, қоидага кўра, бюджетдан ташқари ҳисобварақларига кейинчалик уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш билан амалга оширилади.

44. Шартномалар тузмасдан, фақат тақдим қилинган тўлов топшириқ-номалари асосида бюджет маблағлари қуйидагиларга:

суд қарорлари бўйича тўловлар, давлат божлари, йиғимлар тўлаганда, юридик мажбуриятлар қабул қилиниши бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварақлар, қвитанциялар, Ҳукумат қарорлари ва бошқалар) асосида шартномалар тузмасдан амалга оширилиши мумкин;

ҳисобот чораги (йили) якуни бўйича бюджет маблағларининг иқтисод қилинган қисмида Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

45. Бюджетдан маблағ олувчилар сўмдаги қийматига қайта ҳисобланган, чет эл валютасидаги импорт қилинаётган товар-моддий бойликлар учун шартномалар тузишда юзага келиши мумкин бўлган курс фарқини қоплаш учун етарли бюджетдан ажратилган маблағлар захирасини кўзда тутишлари шарт.

Юзага келиши мумкин бўлган курс фарқини қоплаш учун етарли бюджетдан ажратилган маблағларининг захираси ҳар бир шартнома бўйича яқка тартибда бюджетдан маблағ олувчилар ва ғазначилик бўлинмалари томонидан, зарур бўлганда — тегишли молия органи иштирокида шартноманинг тузилган санаси, кўзда тутилаётган муддатлари ва валюта курсининг кутилаётган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда аниқланади.

46. Суммаси чет эл валютасида кўрсатилган шартномалар ва ҳисобварақ-фактуралар асосида импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар ғазначилик бўлинмалари томонидан охириги тўлов санасида ушбу вақтгача ҳосил бўлган касса харажатлари йиғиндисининг ўртача курси бўйича амалга оширилади.

47. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг мол етказиб берувчилар билан тузган шартномалари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қону-

нига мувофиқ, томонларнинг юридик хизматлари (жалб қилинган адвокатлар) томонидан мажбурий тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилиши шарт.

Бунда, агар шартноманинг суммаси Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошмаса, шартномаларга юристлар визаси қўйилади. Шартноманинг суммаси, Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошган ҳолларда, шартномаларга томонларнинг юридик хизмати ёки жалб қилинган адвокатларнинг хулосалари илова қилиниши лозим.

48. Шартномалар, шунингдек, уларга қўшимча келишувлар аниқ ва равшан, сиёҳ ёки шарикли ручка ёки (ёзув, ҳисоблаш) машинада ёзилган ҳолда тўлдирилиши лозим. Ҳеч қандай тузатишлар, ўчириб ёзишлар ёки тўғри-лашларга олдиндан келишиб олинган бўлса ҳам йўл қўйилмайди.

49. Бюджетдан маблағ олувчилар ва мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар қўйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинади:

100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдоригача (тенг бўлганда ҳам), шартномаларни мол етказиб берувчини танлаш бўйича конкурс танлови ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари илова қилинган ҳолда тақдим қилиш. Бунда, конкурс танловини ўтказиш мол етказиб берувчини танлаш бўйича камида иккита конкурс таклифи бўлганда, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, конкурс таклифларини кўриб чиқиш асосида Конкурс танлови баённомасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади;

шартноманинг умумий суммаси 100 минг АҚШ долларининг сўмдаги қийматидан юқори бўлганда, қонунчиликка мувофиқ ўтказилган тендер савдолари тўғрисидаги ҳужжатларни шартномага илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

Юқоридаги талаблар коммунал хизмат кўрсатишга тузиладиган шартномаларга, монополист корхоналар билан капитал қурилишга пудрат ва биноларни (иншоотларни) капитал таъмирлаш шартномалари бўйича, шунингдек, шартномалар тузишнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган айрим ҳолларига тегишли эмас.

50. Бюджетдан маблағ олувчилар ва мол етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари ҳисоби қисмидан тузилган шартномалар, фақат уларнинг ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинганидан сўнг кучга киради.

§ 2. IV гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш (махфий харажатларсиз)

51. Бюджетдан маблағ олувчилар билан мол етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли ғазначилик бўлинмаларида уларга берилган тегишли рақам ва рўйхатга олинган сана кўрсатилган ҳолда мажбурий рўйхатга олиниши лозим.

Бюджетдан маблағ олувчилар, ғазначилик бўлинмаларига шартномаларни

рўйхатга олиш учун улар тузилган кундан сўнг 10 иш кунидан кечикмаган муддатда тақдим қилади.

52. Бюджетдан маблағ олувчилар фазначилик бўлинмаларига шартномани рўйхатга олиш учун шартноманинг икки асл нусхаси ва битта кўчирма нусхасини тақдим қилади. Шартномаларга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлов жадвали илова қилиниши лозим.

53. Фазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим қилинган кундан бошлаб уч иш куни давомида шартномада кўрсатилган суммани бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган бюджет маблағларининг мавжудлигини текширади.

Агар тузилган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган бюджет маблағлари суммасидан ошса, ушбу шартнома бюджетдан маблағ олувчига уни фазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатга олинмасдан қайтарилади.

54. Шартномаларни рўйхатга олиш, шартноманинг асл ва кўчирма нусхаларининг барча варақларига «Рўйхатдан ўтказилди» штампини қўйиш ва рўйхатга олиш рақами ва санаси кўрсатилиши, фазначилик бўлинмасининг мансабдор шахси ўзининг шахсий имзоси ва фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқлаши орқали амалга оширилади. Рўйхатга олингандан сўнг рўйхатга олинган шартноманинг кўчирма нусхаси фазначилик бўлинмасида ҳисоб юритиш ва сақлаш учун қолдирилади.

55. Шартномалар ҳисоби Фазначилик дастурий мажмуида электрон тарзда бюджетдан маблағ олувчи ва мол етказиб берувчининг номи ва реквизи-титлари, шунингдек, шартнома суммаси, унинг рақами ва тузилган санаси, фазначилик бўлинмаси томонидан уни рўйхатга олиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш Китобида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича амалга оширилади.

§ 3. IV гуруҳ харажатларнинг махфий харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

56. IV гуруҳ харажатларнинг махфий харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун бюджетдан маблағ олувчи томонидан фазначилик бўлинмасига шартноманинг асл нусхаси, шунингдек, юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун Сўровнома мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ (кейинги ўринларда — сўровнома) шакл бўйича уч нусхада тақдим қилинади.

57. Сўровнома бюджетдан маблағ олувчи томонидан тузилади ва шартнома тузилган кундан сўнг уч иш кунидан кечикмаган муддатда хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмасига тақдим қилинади. Сўровномага мазкур

Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича Тўлов жадвали илова қилиниши лозим.

Ҳазначилик бўлинмасининг масъул ходими бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли вакили иштирокида сўровномада кўрсатилган маълумотларни шартноманинг асл нусхасида кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади.

Шартноманинг асл нусхаси билан солиштириш тугагандан сўнг бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг ваколатли вакилига қайтарилади.

Ҳазначилик бўлинмаси ходимлари томонидан тақдим қилинган шартноманинг асл нусхасидан нусха олиш қатъиян ман қилинади.

58. Тақдим қилинган сўровномада хато ва (ёки) камчиликлар мавжуд бўлмаган ҳолда сўровномада кўрсатилган шартномани рўйхатга олиш бўйича кейинги тадбирларни амалга ошириш учун сўровнома қабул қилинади.

Акс ҳолда, сўровнома бюджетдан маблағ олувчига мавжуд хато ва (ёки) камчиликларни бартараф қилиш учун қайтарилади.

59. Ҳазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчи томонидан сўровномани қабул қилган кундан бошлаб уч иш куни давомида шартномада кўрсатилган суммани бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган бюджет маблағларининг мавжудлигини текширади.

Агар сўровнома ва тузилган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган бюджет маблағлари суммасидан ошса, ушбу шартнома ҳазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмайди, тегишли сўровнома эса бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

60. IV гуруҳ харажатларнинг махфий харажатлари бўйича шартномаларни рўйхатга олиш, сўровномалар асосида сўровномаларнинг олд томонига «Рўйхатдан ўтказилди» штамп қўйилган ва рўйхатга олинган рақам ва санаси кўрсатилган кундан бошлаб уч иш куни давомида ҳазначилик бўлинмасининг мансабдор шахси ўзининг шахсий имзоси ва ҳазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Рўйхатга олингандан сўнг сўровноманинг икки нусхаси бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади, бир нусхаси эса ҳазначилик бўлинмасида ҳисоб юритиш ва сақлаш учун қолдирилади.

61. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг Захира жамғармалари ҳисобидан махфий характерга эга бўлган харажатлар тўловлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровномаси бўйича мазкур Низомда бюджетдан маблағ олувчиларнинг IV гуруҳ харажатларнинг махфий харажатлари амалга ошириш учун кўзда тутилган тартиб билан бир хилда амалга оширилади.

62. Ўзига хос махфийлик режими таъминланиши талаб қилинадиган махфий харажатларга тааллуқли қисми, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасида Давлат бюджети иқтисодий таснифининг «01-9-90» харажатлар моддасида акс эттирилади ва ушбу маблағлар фақат ҳазначи-

лик бўлинмаларига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича тақдим қилинган юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома ва тўлов топшириқномалари асосида бир вақтнинг ўзида тўлов топшириқномаларида кўрсатилган суммани юридик ва молиявий мажбуриятлар қабул қилинадиган суммасига олиб борилган ҳолда харажатлар амалга оширилади.

V. Қабул қилинган молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар тўловларини амалга ошириш

§ 1. Умумий қоидалар

63. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан иккинчи тараф олдида молиявий мажбуриятлар уларга етказиб бериладиган товар (иш, хизмат)лар учун ўтказилиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар бўйича қарздорлик асосида қабул қилинади.

64. Молиявий мажбуриятлар, олдин тузилган шартномалар — қабул қилинган юридик мажбуриятлар доирасида қабул қилинади, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар бўйича молиявий мажбуриятлар, шунингдек, давлат божи, йиғимлар, бадаллар, мажбурий тўловлар ва шунга ўхшаш молиявий мажбуриятлар бундан мустасно.

§ 2. IV гуруҳнинг махфий харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар қабул қилиш

65. IV гуруҳ харажатларининг махфий харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан фазначилик бўлинмаларига ҳисобварақ-фактуралар ўрнига (уларни ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар) мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровномалар тақдим қилинади.

66. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома тегишли ҳисобварақ-фактура олинган кундан сўнг уч иш кунидан кечикмаган муддатда тузилади ва хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмасига тақдим қилинади.

Бунда, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчи томонидан ҳисобварақ-фактуранинг асл нусхаси фазначилик бўлинмасининг масъул ходимига кўриб чиқиш учун тақдим қилинади. Фазначилик бўлинмасининг масъул ходими бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли вакили иштирокида сўровномада кўрсатилган маълумотларни ҳисобварақ-фактуранинг асл нусхасида кўрсатилган маълумотлар билан солиштиради.

Солиштириш тугагандан сўнг ҳисобварақ-фактуранинг асл нусхаси ташкилот — бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли вакилига қайтарилади.

Ҳазначилик бўлинмаси ходимлари томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактуранинг асл нусхасидан нусха олиш қатъиян ман қилинади.

67. Мазкур Низомнинг 63-бандида кўрсатилган харажатлар фақат ҳазначилик бўлинмаларига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича тақдим қилинган юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома ва тўлов топшириқномалари асосида уларнинг суммаларини тўлов топшириқномасида кўрсатилган банк ҳисобварақларига ҳазначилик бўлинмалари шартномалар ва ҳисобварақ-фактураларни тақдим қилмасдан амалга оширилади.

Бунда, ўзига хос харажатлар бўйича тўлов топшириқномаларининг «Тўлов мақсади» устунда «Махсус мақсадли» ёзуви ёзилади.

§ 3. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда нақд пулда амалга ошириладиган бошқа харажатлар тўловлари

68. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар тўловлари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган нақд пул маблағлари олиш учун сўровномалар асосида чеклардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

69. Нақд пул олиш учун чек дафтарча бланкаларини ҳазначилик бўлинмаси хизмат кўрсатувчи банк филиалидан олади.

70. Чекларга ўчириб ёзиш, тузатиш, тўғрилашларга, факсимиле ишлатилишига йўл қўйилмайди. Чеклар ўн кун давомида ҳақиқий ҳисобланади, уларни ёзиб берилган кундан ташқари. Чек рақами карточкада рўйхатга олинган чек дафтарчаси рақами ва серияларига мувофиқ бўлиши лозим. Пул чеклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

71. Ҳазна ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини олиш учун чекларга ҳазначилик бўлинмасининг мансабдор шахслари томонидан имзо қўйилади ва ҳазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланади. Банклар томонидан чеклар бўйича нақд пул маблағлари бериш қатъий тартибда ҳазначилик бўлинмасининг биринчи ва иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда карточкада кўрсатилган, мансабдор шахснинг имзоси мавжуд бўлган ва ҳазначилик бўлинмаси муҳри билан тасдиқланганда амалга оширилади.

Бунда, ҳазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахсига (кассирга) чек бланкаларини тўлдириш учун бериши мумкин. Берилган чеклар ҳисоби мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича берилган ва ишлатилган чеклар ҳисоби журналида юритилади. Бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси Чек дафтарчасини олганлик тўғрисидаги Журналнинг тегишли сатрига имзо қўяди.

72. Молия йили давомида ишлатилган чек дафтарчасининг милклари чек дафтардаги охириги чек бланкаси тўлдирилгандан сўнг, кейинги иш кунда

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан фазначилик бўлинмаларига қайтарилиши шарт.

Бунда, бузилган (бекор қилинган) чеклар мавжуд бўлган ҳолларда бюджетдан маблағ олувчилар мажбурий тартибда уларни ишлатилган чек милкларига илова қилади.

Фазначилик бўлинмасининг масъул ходими ишлатилган чек милкларини олгандан сўнг улардаги маълумотларни Фазначиликнинг дастурий мажмуидаги олинган нақд пул маблағлари суммалари ва унда ишлатилган чеклар тўғрисидаги маълумотлар билан солиштиради.

Ишлатилган чеклар бўйича маълумотларда фарқлар мавжуд бўлган ҳолатда фазначилик бўлинмаси томонидан фарқларнинг сабабларини аниқлаштириш ҳамда барча ишлатилган чек милкларини ва бузилган чекларни фазначилик бўлинмасига қайтариш учун чек дафтарчалари рўйхати тузилади, унга етишмаётган чекларнинг рақамлари ва суммаларини кўрсатган ҳолда илова тузилади ва бюджетдан маблағ олувчига тақдим қилинади.

73. Бюджетдан маблағ олувчи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, хизмат сафари харажатларини ва бошқа ўрнатилган тартибда рухсат этилган нақд пулдаги харажатларни тўлаш учун нақд пул маблағларини олишга фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси билан сўровнома, шунингдек, тегишли равишда тўлдирилган чекни, кейинчалик фазначилик бўлимининг ваколатли ходими томонидан уларни текшириш ва имзо қўйиш учун тақдим қилади.

Бунда, бюджетдан маблағ олувчи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун сўровномага мувофиқ ўрнатилган тартибда нақд пул маблағлари суммалари кўрсатилган ҳолда, чекнинг орқа томонига имзо ва олд томонига муҳр қўймаган ҳолда тўлдиради.

74. Фазначилик бўлинмаси сўровномани ва тўлдирилган чекни олиши билан, чек ва сўровномадаги суммаларнинг мувофиқлигини ўрнатилган тартибда текширади, имзо ва муҳр қўяди ва текширилгандан сўнг чекнинг назорат маркасини бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли шахси (кассир)га беради. Кундалик равишда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул маблағлари олиш учун сўровномаларнинг келиб тушишига қараб, ёзиб берилган чекларга электрон кўринишда қоғоз манбага чиқарилиб (касса харажат журнали), уч нусхада реестр тузилади ва фазначилик бўлинмасининг масъул шахси томонидан чеклар билан биргаликда банк филиалига юборилади.

Бюджетдан маблағ олувчи нақд пул маблағлари олиш учун ишончномани икки нусхада фазначилик бўлинмасига тақдим қилади, улардан биттасини фазначилик бўлинмаси ўзининг муҳр изи билан банкка тақдим қилади.

75. Бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси банк кассасида чекнинг назорат маркаси бўйича нақд пул маблағларини олади.

Бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси тегишли бюджетдан маблағ олувчининг бир қанча шахсий ҳисобварақлари бўйича нақд пул

маблағларини олиш ҳуқуқига эга, агар булар ишончномада кўзда тутилган бўлса. Накд пул маблағларини бериш банк филиали томонидан 23212 «Молия вазирлиги Фазначилигининг маблағи» ва 23214 «Худудий Фазначилик бўлинмаларининг маблағи» ҳисобварақларидан амалга оширилади.

76. Накд пул маблағлари берилгандан сўнг реестрнинг иккинчи нусхаси (касса харажати журнали) банк томонидан накд пул маблағлари берилганлиги тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда кўчирма билан биргаликда фазначилик бўлинмасига қайтарилади. Фазначилик бўлинмаси кўчирма, реестр ва чек милки асосида тегишли шахсий ҳисобварақда белги кўяди ва бюджетдан маблағ олувчига шахсий ҳисобварақдан кўчирма беради, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчига чек милки нусхасини бюджетдан маблағ олувчи томонидан бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш учун тақдим қилади.

77. Бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси томонидан чекнинг назорат маркаси йўқотилганда, тегишли фазначилик бўлинмасига чекнинг назорат маркаси йўқолган куннинг ўзидаёқ бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси қўйилган хат-билдиришномани йўллайди. Хат-билдиришнома асосида фазначилик бўлинмаси банкка тўланмаган чекни қайтариш тўғрисида илтимос хатини йўллайди. Чеклар реестрида банк томонидан чақирилган чеклар тўғрисида белги қўйилади.

§ 4. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг IV гуруҳ харажатлари тўлови

78. Фазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида ғазна ҳисобварақларидан IV гуруҳ харажатлари бўйича харажатлар тўловини бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида кўзда тутилган, ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширади.

79. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли моддалари бўйича бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида;

агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма фазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

ҳисобварақ-фактура ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджетдан маблағ олувчининг мол етказиб берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчининг мол етказиб берувчига аванс тўловлари ўтказишини мажбурловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида;

тўлов топшириқномасида кўрсатилган мол етказиб берувчининг, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитлари шарт-

нома ва ҳисобварақ-фактураларда ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларда мол етказиб берувчининг, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитлари мувофиқ бўлганида.

80. Етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар учун харажатлар тўловлари, шунингдек аванс тўловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ олувчилар фазначилик бўлинмасига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини тақдим қилади, бунда «Тўловчи» сатрида фазначилик бўлинмаси номи, «Тўловчининг ҳисобварағи» сатрида — Ғазна ҳисобварағи, «Тўлов мақсади» — бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами ва номи, тегишли бюджет таснифининг кодлари, тўлов амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжат, шунингдек, тўловнинг мақсади кўрсатилади:

а) беш нусхада, агар фазначилик бўлинмаси ва мол етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса. Бюджетдан маблағ олувчининг мансабдор шахслари томонидан имзо қўйилган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олувчининг фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси фазначилик бўлинмасининг масъул шахслари томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк филиали учун ғазна ҳисобварағидан харажатлар тўлови учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчига етказилади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси ғазна ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Фазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг бешинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади;

б) тўрт нусхада, агар фазначилик бўлинмаси ва мол етказиб берувчига ҳар хил банк филиаларида хизмат кўрсатилса. Бюджетдан маблағ олувчининг мансабдор шахслар томонидан имзо қўйилган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси фазначилик бўлинмасининг масъул шахслари томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк филиали учун ғазна ҳисобварағидан харажатлар тўлови учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси ғазна ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва фазначилик бўлинмасига бюджетдан маб-

лаф олувчининг шахсий ҳисобварағида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Ҳазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган санаси қўйилган тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

Бунда, етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар учун харажатлар тўловлар, шунингдек, аванс тўловлари махфий харажатлар бўйича амалга оширилган ҳолларда тўлов топшириқномасининг «Тўлов мақсади» сатрида — фақат шахсий ҳисобварақ рақами, қабул қилинган юридик ёки молиявий мажбуриятнинг рўйхатга олинган рақами кўрсатилади ва «Махсус мақсадли» ёзуви ёзилади.

81. Бюджетдан маблағ олувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлганда ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходими «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, тўлов топшириқномаси биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топшириқномаси қабул қилинган сана ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасини ғазначилик бўлинмаси бошлиғи ва масъул шахсининг имзолари ва ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Ҳазначилик бўлинмасига ғазначилик бўлинмасидаги мавжуд имзо ва муҳр изи намуналаридаги белгилар билан бюджетдан маблағ олувчи томонидан тақдим қилинган, ижро учун банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлардаги белгиларни солиштириш мажбурияти юклатилади.

82. Тўлов топшириқномалари бўйича ғазна ҳисобварағидан тўловлар амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаси банкка тўлов топшириқномаларининг иккинчи ва учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва мол етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, тўртинчи) нусхаларини тақдим қилади.

83. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов ўтказилгандан сўнг тўлов топшириқномасининг иккинчи (ғазначилик бўлинмаси ва мол етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, учинчи) нусхаси банкда қолади, учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва мол етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, тўртинчи) нусхаси банкнинг штампи ва масъул ходимининг имзоси билан ва ғазна ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда ғазначилик бўлинмасига берилади.

84. Ҳазначилик бўлинмасининг тегишли ходими бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларига белги қўйгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи (ғазначилик бўлинмаси ва мол етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, бешинчи) нусхаси ғазначилик бўлинмаси масъул ходимининг белгиси билан бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

85. Ҳисобварақ-фактуралар ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини ва бюджетдан маблағ олувчининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчи олдидаги қарздорлиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат-

лар ғазначилик бўлинмасига уларни мол етказиб берувчилардан олингандан сўнг уч иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим қилинади.

VI. Жавобгарлик

86. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг тўғри расмийлаштириши, уларнинг асосланганлиги ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, нарх қарорининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, бирламчи ҳужжатлар ва товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, жумладан Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган, иқтисод қилинган маблағларнинг ва мол етказиб берувчилар олдидаги қарздорликнинг тўғри аниқланганлигига жавобгардир.

Чек дафтарлари ва чек назорат маркаларининг йўқотилиши ёки ўғирланиши, шунингдек, чек дафтарларини ва чек назорат маркаларини олишга ваколатли шахслар томонидан суиистеъмол қилиш натижасида юзага келган зарар учун бюджетдан маблағ олувчиларнинг масъул шахслари жавобгардир.

87. Ғазначилик бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ зарур махфийлик режимига риоя қилиш, мазкур Низом талабларига мувофиқ рўйхатга олинган шартномаларнинг бюджетдан маблағ олувчилар харажатлари сметасида кўзда тутилган режали бюджетдан ажратиладиган маблағларга мувофиқлиги ва бюджетдан маблағ олувчилар харажатлари тўлови устидан назоратнинг тўғри амалга оширилиши учун жавобгардирлар.

VII. Яқуний қоида

88. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 24 ноябрь*

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомга
1-ИЛОВА

ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

_____ ва _____ билан _____ умумий суммаси
20__ й. « ____ » _____ -сон _____ шартномага

Бўлим _____

Боб _____

Параграф _____

(сўмда)

20__ й. ойлар номи	Харажатлар тури (моддалар)			Жами
	
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича				

Жами _____ сўм (_____)
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан _____% 20__ _____ ойида тўланиши лозим.

* Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойлик равишда олдиндан тўланиши лозим.

М.Ў.

Раҳбар

(имзо)

Бош ҳисобчи

(имзо)

Ҳазначилик бўлинмаси ходими
қабул қилди
20__ й. «__» _____
(имзо) _____

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди
20__ й. «__» _____
(имзо) _____

* ушбу сатр бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергияси етказиб бериш, коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизмати ва бошқа шунга ўхшаган ҳар ой кўрсатиладиган хизматлар кўрсатиш учун шартномалар бўйича ҳар ойлик муддатда ва микдорларда олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолатларда тўлдирилади.

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга
2-ИЛОВА

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш
КИТОБИ**

(сўмда)

№	Шартнома — (юридик мажбурият) нинг рўйхатга олинган рақами ва санаси	Номи ва реқвизитлари		Шартнома рақами ва тузилган санаси	Суммаси
		бюджетдан маблағ олувчининг	товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчининг		
1.					
2.					
3.					
...					

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга
3-ИЛОВА

Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун СЎРОВНОМА

_____ - сон 20__ й. «__» _____
20__ й. _____ га

Бўлим _____
Боб _____
Параграф _____

Шартнома рақами	Тузилган сана	Мол етказиб берувчининг номи (тўловни олувчи)	Мол етказиб берувчининг банк реквизитлари (тўловни олувчи)	Суммаси (сўмда)

Тақдим қилинган сана 20__ й. «__» _____

М.Ў. Раҳбар _____ (имзо)
Бош ҳисобчи _____ (имзо)

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ ва _____ билан
_____ умумий суммага

20__ й. «___» _____ -сон шартномага
20__ й. «___» _____ -сон қўшимча келишувга

20__ й. «___» _____ -сон
молиявий мажбуриятларни рўйхатга олишга
СЎРОВНОМА

Бўлим _____
Боб _____
Параграф _____

(сўмда)

20__ й. ойлар номи	Харажатлар тури (моддалар)			Жами
	
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича				

Тақдим қилинган сана 20__ й. «___» _____

М.Ў.

Раҳбар

_____ (имзо)

Бош ҳисобчи

_____ (имзо)

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомга
5-ИЛОВА

206-модда

**Берилган ва ишлатилган чеклар ҳисоби
Ж У Р Н А Л И**

Т/р	Чек дафтарчаси берган банк муассасасининг номи	Чек дафтарчасининг рақами	Чеклар сони	Берилган			Қайтарилган (ишлатилган чек дафтарчалари)		
				ташкилот номи	ишончли шахснинг Ф.И.Ш.	имзо	ташкилот номи	ишончли шахснинг Ф.И.Ш.	имзо

— 70 —

16 (360)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**207 Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ишти-
рокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942*

(2009 йил 27 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда) билан тасдиқланган 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастурининг 2.9-бандига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кири-тилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 март,
2009-20-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 18 мартдаги 2009-20-сон буйруғи билан ТАСДИҚЛАНГАН

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолиятини амалга ошириш тартибини ўрнатади.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (кейинги ўринларда — профессионал иштирокчи) — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмаси (уюшмаси) (кейинги ўринларда — Бирлашма) — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан қимматли қоғозлар бозорида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган юридик шахс (нотижорат ташкилот);

қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи (кейинги ўринларда — ваколатли орган) — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

2. Бирлашманинг номи унинг аъзолари асосий фаолият соҳасини кўрсатиши, унга «бирлашма» ёки «уюшма» ёхуд Бирлашма турини кўрсатувчи сўзлари киритилган бўлиши керак.

II. Бирлашма фаолиятини амалга оширишга доир талаблар

3. Бирлашмани ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, шунингдек, таъсис ҳужжатларининг мазмунига доир талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

4. Бирлашма профессионал иштирокчиларнинг ихтиёрий аъзолиги асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида амалга оширади.

5. Бирлашманинг барча даромадлари фақатгина унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўлланилади ва унинг иштирокчилари (аъзолари) орасида тақсимланмайди.

6. Бирлашма қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга ва ушбу фаолиятни амалга оширувчи юридик шахснинг иштирокчиси бўлишга ҳақли эмас.

III. Бирлашманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Бирлашма:

Бирлашма аъзолари фаолиятига тегишли масалалар кўрилаётганда ваколатли орган комиссия йиғилишларида эксперт сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашишга;

ваколатли органдан Бирлашма аъзолигига кириш истагини билдирган профессионал иштирокчи томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни сўрашга ҳақли.

Бирлашма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бирлашма:

ўз аъзоларини уларнинг фаолиятига дахлдор бўлган Бирлашманинг таъсис ва ички ҳужжатлари билан таништириши;

ўзининг таъсис ва ички ҳужжатларида мавжуд талабларни бажариши шарт;

ваколатли орган томонидан тақдим этилган бирлашма аъзолари фаолияти масалалари бўйича ахборотларни ўз аъзоларига етказиши.

Бирлашма қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

IV. Яқуний қоидалар

9. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

10. Мазкур Низом талабларининг бажарилиши устидан назорат ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки ҳамда Монополиядан

чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган.

*Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси*

Д. МУСАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 18 март*

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 18 март*

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 18 март*

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 18 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

208 Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1943*

(2009 йил 27 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 77-сонли қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 13-сон, 142-модда) 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 апрель,
17-сон

**Ўрта махсус, касб-хунар
таълими маркази директори**

З. САТТОРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 апрель,
14 Қ/Қ-сон

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2009 йил 14 апрелдаги 17, 14 Қ/Қ-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги 77-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 142-модда) мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш юзасидан танлов савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Танлов савдолари дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар (комплекслар)ни харид қилишга татбиқ этилади.

Дарсликлар ва ўқув-методик комплексларга (бундан кейинги ўринларда ўқув адабиёти деб юритилади) дарсликлар, қўшимча ўқув, методик, маълумотнома адабиётлар ва иш дафтарлари киради.

2. Танлов савдолари фақат дарсликлар ва ўқув-методик комплекслар бўйича Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг (бундан кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) қарори ва ҳуқуқ эгаларининг (муаллифлар ва муаллифлар жамоаларининг, шунингдек ўқув адабиётларининг оригинал-макети учун ҳуқуқларга эга бўлган нашриётларнинг) розилиги мавжуд бўлган ўқув адабиётларига эълон қилиниши мумкин.

3. Танлов савдолари ўқув адабиётларини харид қилишда бир контракт бўйича 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан кам бўлганда амалга оширилади, бунда таклифлар танлов йўли билан аниқланади.

II. Танлов савдоларининг қатнашчилари

4. Буюртмачи (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази), танлов комиссияси, танлов савдоларининг ташкилотчиси ва оферент-қатнашчилар танлов савдоларининг асосий иштирокчилари ҳисобланади.

5. Буюртмачи:

а) буйруқ чиқарган ҳолда танловнинг тури, санаси, жойи ва шартларини белгилайди;

б) ўқув адабиётининг бошланғич қийматини мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб қилган ҳолда белгилайди;

в) талабгорларнинг малакасига қўйиладиган асосий талабларни, ўқув адабиётига қўйиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

г) танлов ҳужжатларини тасдиқлайди;

д) танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

е) танлов таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

ж) танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

з) танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади.

6. Танлов комиссияси ўқув адабиётларини нашр этиш ва қайта нашр этишга давлат буюртмасини жойлаштириш учун танлов савдоларини ўтказиш бўйича доимий орган ҳисобланади. Танлов комиссиясининг сон таркиби аъзоларнинг тоқ сонидан, қоидага кўра, камида 5 кишидан иборат бўлади. Танлов комиссиясининг аъзоларига Буюртмачининг ходимлари киради. Буюртмачининг раҳбари ёки унинг ўринбосари комиссия раиси бўлиши мумкин.

7. Танлов комиссияси:

а) тегишлича расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш;

б) таклифлар билдирилган конвертларни очадди, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва хоказо) мувофиқлигини текширади;

в) баҳолаш гуруҳига жалб этиладиган мустақил экспертлар ёки маслаҳатчилар ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

г) танлов ғолибларини белгилайди.

8. Танлов савдоларининг ташкилотчиси (Буюртмачининг таклифига кўра танлов комиссияси томонидан тайинладиган ишчи гуруҳ ёки буюртмачи томонидан шартнома асосида жалб этиладиган консалтинг компанияси):

а) танлов ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминлайди;

б) тасдиқланган танлов ҳужжатларини талабгорларга тақдим этади;

в) танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради ва потенциал талабгорларга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

г) танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди;

д) аризалар ва танлов таклифларини қабул қилади, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлайди;

е) илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган оферентлар тўғрисидаги ахборотни танлов комиссиясига тақдим этади;

ж) танлов иштирокчиларининг белгиланган малака талабларига мослигини ўрганади ва танлов комиссиясига хулосалар беради;

з) танлов таклифларининг асл нусхаларини конвертларни очиш ва танлов ўтказиш учун танлов комиссиясига тақдим этади.

Савдоларни ташкил этиш учун консалтинг компанияси жалб этилган тақдирда, танлов савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

9. Танлов таклифларини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш учун Буюртмачи томонидан баҳолаш гуруҳи тайинланади.

Баҳолаш гуруҳи танлов комиссияси аъзоларидан ёки ўқув адабиётини нашр этиш ва китоб нашри технологияси соҳасида ваколатли бўлган камда уч нафар мутахассисдан иборат таркибдаги мустақил экспертлар ёки маслаҳатчилардан иборат бўлади.

10. Баҳолаш гуруҳи:

- а) танлов таклифларини кўриб чиқади ва таҳлил қилади;
- б) танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баллар қўяди;
- в) энг яхши танлов таклифини аниқлайди, савдо ғолибини аниқлаш ва тасдиқлаш учун танлов комиссиясига хулосалар киритади.

11. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, нашриёт-матбаа фаолиятида тажрибага эга бўлган ташкилотлар ҳамда хорижий ташкилотлар ҳам танлов савдоларининг оферентлари-қатнашчилари бўлиши мумкин.

12. Танлов савдоларига:

- а) танлов савдолари эълон қилинган санада рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб ўз фаолиятини 6 ойдан кам муддатда амалга ошираётган;
- б) илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган;
- в) қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида турган;
- г) суд муҳокамаси ҳолатида турган ташкилотлар, корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қўйилмайди.

13. Танлов комиссияси аъзоларидан кимгадир бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар савдо қатнашчилари бўлиши мумкин эмас.

14. Танлов савдолари қатнашчилари:

- а) танлов таклифларини тайёрлайди ва савдо ташкилотчисига тақдим этадилар;
- б) уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этадилар (танлов комиссиясининг сўровига кўра);
- в) танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз манбаларидан қоплайдилар;
- г) танлов савдоларида ғолиб чиққан тақдирда, буюртмачи билан шартнома тузадилар.

III. Танлов ҳужжатлари

15. Танлов ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) танлов савдолари қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари;
б) нашр этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхати, техник талаблари ва спецификацияси;

в) танлов таклифининг шакли;

г) шартнома проформаси.

16. Талабгорларга танловда қатнашиш учун қуйидаги малака талаблари қўйилади:

а) шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлари (қатнашчининг рўйхатдан ўтказилганлиги ва суд мажбуриятлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот ҳамда фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар);

б) давлат буюртмасининг бутун ҳажмини бажариш учун зарур бўлган ўзининг ёхуд шартнома асосида фойдаланаётган ишлаб чиқариш базасининг, меҳнат ресурсларининг ва малакали мутахассисларнинг мавжудлиги;

в) ўқув адабиётини нашр этиш ва қайта нашр этиш учун мўлжалланган қийматнинг камида 10 фоизи миқдорида Буюртмачининг талабларига кўра бўш айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банкнинг қафолат хати;

г) китоб, шу жумладан, ўқув адабиёти нашр этиш ва қайта нашр этишга доир иш тажрибаси;

д) танлов савдоларига қўйилган ўқув адабиётини нашр этиш ва қайта нашр этишнинг прогнозлаштирилаётган ҳажми (фақат ўз кучлари билан нашр этилиши ва қайта нашр этилиши мумкин бўлган ҳажм-фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган, бироқ талабгорларнинг ўз тижорат сирининг муҳофаза қилиниши ҳуқуқини бузмайдиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

17. Нашр этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхати, техник талаблари ва ўзига хослиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

номи ва нусхаси;

тузилма ва макетга қўйилган талаблар;

қоғоз формати ва сифати, бўёқларнинг ҳажми ва сони, материаллар ва матбаанинг сифати;

нашр этилаётган ўқув адабиётининг юқори сифати ва узок муддат фойдаланилишини таъминлашга қўмаклашадиган бошқа технологик талаблар.

18. Танлов таклифи техник таклиф, тижорат таклифи, вакилга берилган ишончнома, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шакллари ҳамда ўқув адабиётини нашр этиш ва қайта нашр этиш жадвалидан иборат бўлади.

19. Шартнома проформаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва ўқув адабиётини нашр этиш шартлари, нархи ва жадвалини, хизматларнинг манбалари ва ҳақ тўлаш шаклини, тўловлар шартлари ва жадвалини, томонларнинг мажбуриятларини, низоларни ҳал этиш тартибини, шунингдек битимлар тузишда мажбурий бўлган бошқа шартлар ва ҳолатларни ўз ичига олиши керак.

Шартнома проформасини тузишда буюртмачи ёки танлов савдолари

ташкilotчиси шартнома асосида ихтисослаштирилган консалтинг компанияларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

20. Танлов савдолари ташкilotчиси таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар, танлов ҳужжатларини сотиб олган талабгорларга маълум қилган ҳолда, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт бериб, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

21. Талабгорнинг сўровига кўра, танлов савдолари ташкilotчиси танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 10 кун олдин сўров манбаини кўрсатмаган ҳолда танлов савдоларининг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориши ва танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма равишда жавоб бериши шарт.

22. Танлов комиссияси, савдо ташкilotчиси ва талабгорлар ўртасида хабар, билдиришнома ва бошқа ахборотни айирбошлаш ёзма шаклда амалга оширилади.

IV. Танлов савдоларини ўтказиш тартиби ва шартлари

23. Оммавий ахборот воситаларида танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида расмий эълон берилган сана ёки талабгорга почта (сана почта штемпели бўйича аниқланади), телефакс ёки бошқа шаклда қатнашиш учун расмий билдиришнома (таклифнома) юборилган сана танлов савдоси очилган сана ҳисобланади.

24. Танлов савдолари тўғрисидаги эълон марказий ва бошқа энг кўп тарқалган газета ва журналларда танлов таклифлари билдирилган конвертлар расмий очилишидан камида 30 кун олдин эълон қилинади.

25. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

- а) буюртмачининг номи ва манзили;
- б) давлат буюртмасини шакллантириш манбалари;
- в) нашр этилиши мўлжалланган ўқув адабиётининг номи ва нусхаси;
- г) талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар ва талаблар;
- д) танлов ҳужжатлари олинадиган жой (танлов савдолари ташкilotчисининг манзили, алоқа телефони ва телефакси);
- е) танлов ҳужжатлари учун ҳақ тўлаш қиймати ва танлов таклифи беришда танлов қатнашчиси учун закат суммаси;
- ж) закат суммаси ва танлов ҳужжатлари учун ҳақ тўлаш шартлари, уларни тўлаш учун банк реквизитлари;
- з) танлов ҳужжатларини тақдим этиш жойи, охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);
- и) танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш жойи, кuni ва вақти.

26. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирилган талабгорлар эълон берилгандан кейин савдо ташкilotчисидан танлов ҳужжатларини олади.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов миқдори Буюртмачи томонидан Буюртмачининг танловга тайёргарлик кўриш ва танловни ўтказиш учун кетадиган маблағларидан келиб чиқиб белгиланади.

27. Танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва конвертда тақдим этилиб, қўйидагилардан иборат бўлади:

а) техник таклиф қатнашчининг малакаси ва молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлардан, закат тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатларидан (нашр этилаётган ўқув адабиётининг ҳисобланган қийматининг бир фоизидан беш фоизгача Буюртмачи томонидан белгиланадиган миқдорда), ўқув адабиёти макетидан иборат бўлади;

б) тижорат таклифи нарх таклифларини, бўлиши мумкин бўлган чегирмаларни, таклиф этилаётган жадвални ва ўқув адабиётини нашр этиш ва қайта нашр этиш муддатларини ўз ичига олади.

28. Конвертда танлов қатнашчисининг, танлов савдоси ташкилотчисининг номи ва манзили, нашр этилиши ва қайта нашр этилиши таклиф этилаётган ўқув адабиётининг номи ва таклифноманинг тартиб рақами кўрсатилади.

29. Танлов таклифининг тегишли равишда «Асл нусха» ва «Нусха» сўзлари билан белги қўйилган, талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган асл нусхаси ва нусхаси танлов савдолари ташкилотчисига муҳрланган шаклда юборилади.

30. Танлов таклифининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Қатнашчилар ўзларининг танлов таклифларини уларни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тамом бўлгунга қадар қайтариб олишлари мумкин.

Тақдим этиш муддати тамом бўлгандан кейин тушган танлов таклифи кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан савдо қатнашчисига қайтарилади.

31. Танлов таклифларини тақдим этиш санаси танлов савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномаси олинганлиги тўғрисидаги белгиси ёки хат ташувчи орқали юборилган танлов таклифлари рўйхатдан ўтказилган сана бўйича аниқланади.

32. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кун ва соатда комиссия танлов таклифлари конвертини очади.

Ҳозир бўлиш истагини билдирган танлов қатнашчилари ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида конвертлар очилади.

33. Конвертлар очилгандан сўнг савдо қатнашчиларининг номлари ўқилади, савдо шартлари ва тартиб-қоидаларига риоя қилиш, тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

34. Ҳужжатлар пакетидан танлов ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

35. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан рас-

мийлаштирилади. Баённомада савдо қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади.

Баённомада шакл бўйича тақдим этилмаган ва савдоларга қўйилмаган таклифларнинг рад этилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

36. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

37. Техник ва нарх таклифлари ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳига берилади.

Таклифларни баҳолашда қатнашчининг малакаси ва молиявий аҳволи, таклиф этилаётган нарх, ишларни бажариш шакли ва муддатлари, ўқув адабиёти намуналари параметрларининг буюртмачи томонидан белгиланган техник талаблар ва спецификациясига мувофиқлиги мажбурий тартибда ҳисобга олинади.

38. Таклифларни баҳолаш танлов комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир баҳолаш мезони бўйича баллар қўйиш йўли билан амалга оширилади. Савдо қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари танлов таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас.

39. Баҳолаш давомида танлов комиссияси тушунтиришлар олиш учун қатнашчиларга ёзма равишда мурожаат қилиш, улардан қўшимча маълумотлар ва тасдиқномалар олиш ҳуқуқига эга.

40. Қатнашчининг малака маълумотлари тўғрисида ишончсиз ахборот аниқланган тақдирда, танлов комиссиясининг қарори билан талабгор танлов савдоларида бундан кейин иштирок этишдан четлатилади.

41. Танлов комиссияси томонидан белгиланадиган танлов таклифларини баҳолашнинг умумий даври таклифлар билдирилган конвертлар расман очилган пайтдан бошланади ва 10 календарь кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

42. Танлов таклифларини баҳолаш ва савдо ғолибини аниқлаш танлов комиссияси томонидан унинг мажлиси бошлангунга қадар тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади. Танлов пайтида мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

43. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши ва уларнинг танлов комиссияси ва баҳолаш гуруҳи аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди.

44. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда, танлов комиссияси талабгорга танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши ёки таклифларни баҳолашда, агар ўқув адабиёти бирлиги нархи билан birlik нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, ўқув адабиёти бирлиги нархи устунлик қиладиган, умумий нархда тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма билан рақамда кўрсатилган сумма ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма устунлик қилади.

45. Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш якунлари йиғиндиси бўйича танлов таклифи энг кўп балл олган қатнашчи танлов савдосининг ғолиби деб эълон қилинади. Балларнинг якуний йиғиндиси тенг бўлганда энг кам нарх таклифларини берган қатнашчига устунлик берилади.

46. Якуний хулоса ва савдо ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Танлов савдоси ғолибини танлаш баҳолаш гуруҳининг хулосалари натижаларига ва танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

47. Танлов комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва захирадаги қатнашчилар, танлов комиссияси таркиби, баҳолаш гуруҳининг хулосаси, қатнашчиларнинг танлов таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан шартнома имзолашнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

Баённома танлов комиссияси йиғилишида иштирок этаётган аъзолар томонидан имзоланади ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

48. Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари ғолибига савдо якунлангандан кейин уч кундан кечиктирмай ёзма билдиришнома юборди ва танлов савдолари якунларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

49. Танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома тузади.

50. Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда танлов ғолибидан кейинги ўринни эгаллаган қатнашчини танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

V. Якуний қоидалар

51. Танлов комиссияси мажлисини ўтказиш учун аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этиши лозим. Агар танлов комиссияси мажлисида комиссия раиси қатнашмаса ёхуд аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этмаса танлов комиссияси мажлиси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланмайди.

52. Қўйидаги ҳолларда танлов савдолари бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади:

а) танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача фақат битта таклиф тушса;

б) барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

в) барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

г) барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари ўқув адабиётининг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

53. Агар танлов савдолари бўлмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдолари ўтказилади, унда танлов ҳужжатлари шартларини қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади.

54. Закалат қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

а) танлов савдолари ғолибига — шартнома бажарилишининг талаб этиладиган таъминланиши (кафолати) тақдим этилиши бўйича шартнома тузилгандан кейин;

б) бошқа қатнашчиларга — танлов савдолари ғолиби билан шартномалар тузилгандан кейин, бироқ танлов таклифлари амал қилиш муддатидан кечикмай;

в) ўз таклифини таклифни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тамом бўлгунга қадар қайтариб олган қатнашчига.

Закалат қайтариш учун асослар пайдо бўлган пайтдан бошлаб беш кун мобайнида қайтарилади.

55. Закалат қуйидаги ҳолларда қайтарилмайди:

а) таклифни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тамом бўлгандан кейин ўз таклифига ўзгартириш киритган ёки уни қайтариб олган қатнашчига;

б) таклифи амал қилиши даврида ўз таклифини қайтариб олган, танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузишни ёки шартнома бажарилишининг талаб этиладиган таъминланишини (кафолатини) тақдим этишни рад этган танлов савдолари ғолибига.

56. Танлов комиссияси ва баҳолаш гуруҳи аъзолари танлов билан боғлиқ ахборотларни ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 11 апрелдан 17 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Аввал хусусийлаштирилган корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 30, 2009-7-сонли қарори.*

2009 йил 14 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1939 (2009 йил 24 апрелдан кучга киради).

2. «Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги 13/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1940 (2009 йил 26 апрелдан кучга киради).

3. «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларининг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 24 ноябрдаги 110-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941 (2009 йил 26 апрелдан кучга киради).

4. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 18 мартдаги 2009-20-сонли буйруғи.*

2009 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942 (2009 йил 27 апрелдан кучга киради).

5. «Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта мах-*

*сус таълим вазирлиги Урта махсус, касб-хунар таълими марказининг
2009 йил 14 апрелдаги 17, 14 Қ/Қ-сонли қарори.*

*2009 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами
1943 (2009 йил 27 апрелдан кучга киради).*

**Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида
АХБОРОТ**

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахнинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси, 112 «а»-уй)	№ 91-П 20.12.2004 й.	1. Сейтахов Ажинияз Полатович 2. Қдрниязова Гулора 3. Матқурбанов Рашид Жолдасбаевич 4. Калтуев Абдулгамид Магомедович 5. Сейтмуратов Мурат Баймуратович
2.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 122-уй)	№ 137 27.12.2004 й.	1. Абдуллаев Бахтияр Бахадирович 2. Каримов Равшанбек Шавкатович 3. Насиров Одилжон Хамидович 4. Сайдахматов Тохиржон 5. Тюнеев Всеволд Завенович 6. Ўринбоев Мусажон
3.	«Медиатор» хусусий консалтинг корхонаси (Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Хамза кўчаси, 7 «а»-уй)	№ 190 12.03.2007 й.	1. Юлчиева Динара Вахобовна 2. Салимиджонов Баходир Равшанович 3. Атоев Азамат Ашуирович 4. Пак Роза Даниловна 5. Хасанов Ўктам Насуллоевич
4.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1 «а»-уй)	№ 133 24.12.2004 й.	1. Марданов Исоқ Мардонович 2. Давлатов Хасан Сафарович 3. Азимов Яндаш Ахмедович 4. Қандахоров Ориф Норович 5. Ходжиев Шуҳрат Махмудович 6. Акрамов Баҳодир Ўткирович

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахнинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
5.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй)	№ 56 13.12.2004 й.	1. Бобомуродов Умнат Эрмонович 2. Туронбоев Абдусалом Абдуллаевич 3. Жўраев Улуғбек Худойбердиевич 4. Бегбўтаев Анвар Эшпўлатович 5. Пармонов Юсуф Ўролович 6. Товбаев Абдувоҳид
6.	Қарши шаҳар «Холис қалқон» М.Ч.Ж. (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Қўрғон кўчаси, 58-уй)	№ 1003 08.05.2007 г.	1. Таштемиров Халил 2. Бозоров Яшин Эгамбердиевич
7.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Комилон кўчаси, 27-уй)	№ 212 24.12.2004 й.	1. Холмирзаев Менглижон 2. Эсанов Мамараджаб 3. Каримов Суюн 4. Шеркулов Сувон Холмуратович 5. Юсупов Эркин Холматович 6. Суванов Нормурат Тухлиевич 9. Тиллаев Холбозор Салимович 10. Ташатов Фирӯзджон Суёнович 11. Аширов Виктор Нуралиевич
8.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси (Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 33-уй)	№ 40п 15.12.2004 й.	1. Наркобилова Гульшайим Ашимовна 2. Наримов Ибрагим 3. Бекмурзаев Аҳмад Рузикулович 4. Саваров Бафоқул Саидович 5. Жуманова Сайёра Эргашевна 6. Норбекова Наталья 7. Хамидов Улуғбек Ахмадалиевич 8. Яқубов Абдуҳолиқ Саидович

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахнинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
			9. Хамидова Нина Николаевна 10. Нарзуллаев Анваржон Умарович 11. Буранбаев Гулом Махаматович 12. Гулино Евгений Николаевич 13. Ибрагимов Хусайн Мирбафоевич 14. Худайбердиев Бахриддин Тангатарович 15. Қахрамонов Алижон Қахрамонович
9.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо-Улугбек кўчаси, 148-уй)	№ 132 22.12.2004 й.	1. Миркомилов Миржамол 2. Саттаров Элмурод 3. Шукуров Абдурахмон 4. Бобомуродов Талат Дўстмуродович 5. Мардонов Жахонгир Мардонович 6. Назаров Азамат Қобулович 7. Назаров Абдуназар Маннобович 8. Гуссанова Тамара Дадашевна 9. Бердикулов Махмуд Хасанович
10.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси (Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2 «а»-уй)	№ 21 20.12.2004 й.	1. Машарипов Адилбек Палванназарович 2. Ахмедов Шуҳрат Болтаевич 3. Султанов Оразметбой Султанович 4. Бекметова Лариса Керимбаевна 5. Менглиев Азамат Бахтиярович 6. Матниязов Жамол Захирович 7. Каримова Роза Назаровна 8. Аллаберганов Рашид Болтаевич 9. Юсупов Жуманазар 10. Маматов Ишмурат

11.	Ўзбекистон Савдо саноат палатасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси (Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4-даҳа, 68-уй)	№ 95п 13.01.2005 й.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Абилов Саитмурат Шеркулович 2. Абдулкасимов Шерзод Исамамадович 3. Акбаров Улуғбек Азатович 4. Ақромов Ботир Тожибоевич 5. Ахматов Давранбек Жураевич 6. Загидулин Рустам Рафкатович 7. Закирова Наргиза Наримбаевна 8. Исаев Равшан Якубович 9. Қамбаров Равшан Абдурахманович 10. Муслимов Хасан Комилжонович 11. Расулова Матлоба Рахимовна 12. Расулов Сирожиддин Исомович 13. Расулов Азиз Муслимович 14. Шакиров Бахриддин Бахтиёрович
12.	Тошкент шаҳар «Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш Маркази» (Тошкент шаҳри, Юнус-Обод тумани, А. Темур кўчаси, 60 «а»-уй)	№ 179 16.02.2001 й.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Асьянов Шамиль Мударисович 2. Азизов Ильхом Бахадирович 3. Ахметшин Ринат Газизович 4. Ахрарова Дильбар Гаппаровна 5. Грицкова Наталья Ивановна 6. Касимова Акида Ахраровна 7. Корсун Галина Валентиновна 8. Лернер Семён Исаакович 9. Ли Светлана Сергеевна 10. Праздникова Альфия Тавкильевна 11. Таникулов Сабир Мирзаевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

